

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**



**САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ
Иқтисодиёт ва бошқарув факултети**

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

**Иқтисодиёт ва бошқарув
факултети декани и.ф.н.,**

доцент _____ Ф.Б.Ахроров

«_____» _____ 2013 йил

«Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ва бошқаруви»

кафедраси

5340100-«Иқтисодиёт»(қишлоқ хўжалиги) йўналиши бўйича

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Мавзу: “Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида пахта ишлаб
чиқариш самарадорлигини ошириш”(Оқдарё тумани мисолида)**

**Бажарди: 5340100-«Иқтисодиёт»
(қишлоқ хўжалиги) йўналиши
4- босқич талабаси**

Очилов Умид

Илмий раҳбар: ассистент

Ш.Исломов

**Битирув малакавий иш
муҳокама қилинди ва ҳимояга
рухсат берилди**

**Кафедра мудири, и.ф.д., профессор
_____ О.Муртазаев
«_____» _____ 2013 йил.**

САМАРҚАНД – 2013

МУНДАРИЖА

	Кириш.....	3
1	Мавзуни назарий асослаш ва адабиётлар шарҳи.....	7
2	Қишлоқ хўжалигида ресурслар салоҳияти ва улардан оқилона фойдаланиш.....	13
2.1	Иштихон тумани фермер хўжаликларида ер-сув ресурслари ва улардан оқилона фойдаланиш.....	13
2.2	Меҳнат ресурслари ва улардан оқилона фойдаланиш.....	23
2.3	Моддий ресурслар ва улардан самарали фойдаланиш.....	30
3	Ғаллачиликда ишлаб чиқариш самарадорлигининг ҳозирги ҳолати таҳлили.....	36
3.1	Ишлаб чиқариш самарадорлиги тушунчаси, турлари, мезони, кўрсаткичлари ва уларни ҳисоблаш усуллари.....	36
3.2	Ғаллачиликда ишлаб чиқариш самарадорлигининг ҳозирги ҳолати таҳлили.....	40
3.3	Ғаллачиликда рентабелликнинг омилли таҳлили.....	42
4	Ғаллачиликда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш имкониятлари.....	46
4.1	Ғаллачиликда маҳсулот таннархини пасайтириш имкониятларидан фойдаланиш.....	46
4.2	Ғаллачиликда маҳсулот миқдори ва сифатини ошириш имкониятларидан фойдаланиш.....	48
4.3	Ғаллачиликда меҳнат унумдорлигини омилли таҳлили.....	53
5	Ғалла етиштиришда ҳаёт фаолияти хавфсизлиги.....	58
	Хулоса ва таклифлар.....	64
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	66

КИРИШ

Республикамызда қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохатлар бугунги кунда ўзининг натижаларини намоён этмоқда. Жумладан, қисқа вақт ичида мамлакат аҳолисини экологик тоза ва сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминланиши, қишлоқда аҳоли даромадининг ошиши, самарали ташқи савдо ҳамда инвестиция жараёнларини кучайтириш, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини барқарор ривожлантириш, банк-молия тизими, пахта бозори фаолиятини мустаҳкамлашда аҳамиятли ютуқлар қўлга киритилди.

Маълумки, ғуза иссиқсевар серунумли тупроқ ва сувга талабчан экиндир. Шунингдек Ўзбекистоннинг суғориладиган ерларининг 35-40 фоизи энг кўп экиладиган пахта экин майдонларидан биридир.

Пахтачиликнинг пировард асосий маҳсулоти пахта толаси ва пахта мойидир. Пахта хом ашёсини ва ғўзани қайта ишлаш жараёнида инсон ва ҳалқ хўжалик учун зарур бўлган 1200 дан ортиқ турли-туман маҳсулотлар ишлаб чиқилади.

Пахта хом-ашёсининг ўртача учдан бири пахта толаси бўлиб ундан тўқимачилик саноатида газлама, ип, момиқ, сунъий ипак, трикатаж ва бошқа купгина буюмлар ишлаб чиқилади.

Пахтанинг учдан икки қисми чигит бўлиб, ундан ёғ, маргарин, совун ва бошқа маҳсулотлар; чигит қолдиғидан эса кунжала ва шелуха олинади.

Пахта тозалаш ва ёғ заводлари чиқиндиларидан целлюлоза, спирт, лак, буёқ ва бошқа кўпгина товарлар тайёрланади. Ёўзалардан қоғоз, картон, ошлаш материаллари ишлаб чиқилади.

Ўзбекистон мустақил ривожланиш йилларида ғаллалар ишлаб чиқаришни қисқа муддатларда кўпайтириш мақсадида ғўза экин майдонини 500-600 гектарга қисқартирилди. Шунга қарамай 2012 йилларда ҳам ялпи пахта толаси ишлаб чиқариш буйича жаҳонда бешинчи ўринда, уни жаҳон бозорларида сотиш буйича эса иккинчи ўринни эгаллаб турибди. Хозирги

кунда республикамизда пахта хом ашёсининг 99,1 фоизи фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилмоқда.

Ўзбекистонда пахта толасини чуқур қайта ишлаш буйича йилдан йилга ютуқлар мустаҳкамланмоқда. Аммо, улар пахтачиликда бозор иқтисодиёти самарадорлигини ошириш талабларига тўлиқ жавоб бермайди.

Истиқболда пахта толасининг камида 50-60 фоизини Республикамизда чуқур қайта ишлашни ташкил этиш унинг социал-иқтисодий самарадорликни камида 3-4 марта ошириш учун шароит яратади.

Пахтачилик ва унинг билан бевосита саноат тармоқлари ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш орқали қишлоқ ва шаҳарда меҳнатга яроқли аҳолидан самарали фойдаланиш орқали аҳоли турмуш даражасининг кўтарилишига реал шароит яратилади.

Аммо, Жаҳон молиявий инқирози шароитида қишлоқ хўжалигида пахта ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда 1 ц пахта хом ашёсини ишлаб чиқаришга сарфланаётган моддий ресурслар самарали фойдаланган ҳолда уни ишлаб чиқаришга сарфланадиган харажатларини камайтириш, пахта хом ашёсининг сифатини ошириш ва сотиш баҳоларини такомиллаштириш ҳамда фермерларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозирги кунда Республикамиз агросаноат мажмуасида хўжалик юритишнинг энг самарали шакли сифатида “Фермер хўжалиги” эътироф этилмоқда. Чунончи, мамлакатимизда ўтган йили 7 миллион 500 минг тонна ғалла, 3 миллион 460 минг тоннага яқин пахта, 9 миллион тоннадан ортиқ сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштирилди ва ушбу маҳсулотларнинг асосий улуши фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Фермер хўжаликларида ишлаб чиқаришни ривожлантириш, улар салоҳиятидан самарали фойдаланиш бевосита уларнинг иқтисодий натижаларининг ижобий бўлишига олиб келади. Фермер хўжаликларини ташкил этиш, улар фаолиятини ривожлантириш борасида сезиларли ишлар амалга оширилган бўлсада, уларнинг ташкилий иқтисодий асосларини такомиллаштириш, улар

салоҳиятидан фойдаланиш борасида маълум бир муаммоларга дуч келинмоқда. Жумладан, фермерларнинг моддий ресурсларини ривожлантириш, уларни янги замонавий техника ва технологиялар билан таъминлаш кабилар борасида муаммолар мавжуд.

Мазкур малакавий битирув ишида пахта хом ашёсини ишлаб чиқариш самарадорлиги таҳлили, уни ошириш имкониятларига алоҳида этибор берилган. Шу ўринда пахта ишлаб чиқаришда сарфланадиган моддий харажатларни пасайтиришга ва меҳнат унумдорлигини оширишга алоҳида этибор берилган.

Мазкур малакавий битирув ишида Оқдарё туман фермер хўжаликлари мисолида ўрганилган. Оқдарё туман фермер хўжаликлари пахтачиликда самардорлигини оширишда, моддий харажатлардан самарали фойдаланишда маълум даражада ютиқлар қўлга киритган. Шу билан биргаликда тўлиқ фойдаланмаган реал имкониятлари ҳам мавжуд.

Малакавий битирув ишида Оқдарё туман фермер хўжаликлари 2010-2012 йил ҳисоботларидан, режаларидан, бирламчи учёт ҳамда таҳлил маълумотларидан, мутахассисларнинг хулосаларидан фойдаланилган. Бу маълумотлар асосида ишлаб чиқариш аҳамияти ҳисоботи, курс ишлари бажарилган ва ҳимоя этилган.

Мавзуни ўрганиш жараёнида асосан монографик, статистик ҳам солиштирма таҳлил усулларида фойдаланилган.

1. Мавзуни назарий асослаш ва адабиётларга шарҳи

Ўзбекистонда фаолият юритаётган фермер хўжаликларининг яримидан кўпроғини пахтачиликка ихтисослашган хўжаликлар ташкил қилади. Фермер хўжалигида пахта хом ашёси ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, тармоқни ривожланишини ҳам қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини оширишга таъсир кўрсатади.

Пахтачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларининг иқтисодий самарадорлигини ошириш, айниқса, сермехнат соҳада меҳнат унумдорлигини ошириш имкониятларидан фойдаланиш мамлакат ҳукуматининг, корхона раҳбарларининг ҳамда иқтисодчи олимлар илмий ишларининг марказида бўлмоқда. Кейинги йилларда бу соҳада қатор олимлар илмий изланишлар олиб бормоқда ва уларнинг натижаларини чоп қилишмоқда.

Қуйида шундай илмий ишларнинг айримлари ҳақида фикр юритамиз.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (асосий қонуни). Тошкент-«Ўзбекистон» 1992 йил.

Қишлоқ хўжалиги иқтисодиётини барқарор ривожланишининг долзарб муамolari. Ўзбекистон Республикасининг «Мулқ тўғрисида», «Мулқларни давлат тасарруфида чиқариш ва хусусийлаштириш», «Ер тўғрисида», «Фермер хўжалиги тўғрисида», «Дехқон хўжалиги тўғрисида»ги қонун ва кодексларда ҳамда Республика Вазирлар маҳкамаси агросаноат мажмуининг ҳужжатларида кўрсатиб ўтилган.

2. И.А.Каримов. «Ўзбекистон буюк келажак сари» - Тошкент. «Ўзбекистон», 1998 йил.

Сўнги йилда агросаноат соҳасининг иқтисодиётдаги аҳамияти ҳисобга олиниб, унга эътибор кўчайтирилмоқда. Дехқончилик ва Чорвачилик маҳсулотлари барча турларининг харид нархлари мунтазам ошириб борилмоқда. Чунончи, сўнги уч йилда асосий маҳсулот – пахтанинг харид нархи кўп марта кўпайтирилган. Дон маҳсулотларининг нархи ҳам анча кўтарилди. Картошка, мева, сабзавот, чорва моллари ва парранда, сут ва

тухум, қоракул тери ва жуннинг харид нархлари ҳам оширилди. Бугунги кунда пахта ва ғаллада буюк қишлоқ хўжалик маҳсулотлари эркин нархда сотилмоқда. Айни пайтда бозор муносабатларини ривожлантириш йўли мувофиқ давлатга сотиш мажбурий бўлган қишлоқ хўжалик хом ашёси маҳсулотлари хажми анча қисқарди. Пахта, ғалла ва бошқа дон экинларига давлат буюртмаси 80% гача камайди. Давлатга сотилиши шарт бўлган мева-сабзавот маҳсулотлари ва картошка 50% даражасида сақлаб қолинди.

3. И.Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» - Тошкент. «Ўзбекистон», 2009 yil mart

Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг жорий ва истиқболдаги чора-тадбирларини белгилашда жаҳон молиявий инқирози оқибатларининг таъсирини ҳар томонлама ҳисобга олишимиз, иқтисодий ривожланиш дастурларини ушбу жараёнлар таъсири нуктаи-назаридан шакллантиришимиз ва уларни изчил амалга оширишимиз тақозо этилади. Бу борадаги чора-тадбирлар Президентимиз И.Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарларида кенг ва батафсил баён қилиб берилган. Асарда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг мазмун-моҳияти, намоён бўлиш шакллари, келиб чиқиш сабаблари, унинг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири, мазкур инқироз оқибатларини олдини олиш ва юмшатишга асос бўлган омиллар баён қилиб берилган. Шунингдек, мамлакатимиз меҳнаткашлари учун ғоят мураккаб ва оғир бўлишига қарамай 2008 йилда эришилган ижобий натижа ва ютуқлар баҳоланиб, республикаimizдаги иқтисодий салоҳиятдан янада кенгроқ фойдаланиш имкониятлари кўрсатиб берилган. Асарда Ўзбекистон учун инқирозни бартараф этиш ва жаҳон бозорида янги марраларга чиқишнинг ишончли йўли сифатида 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг қуйидаги энг муҳим устувор йўналишлари белгилаб берилган:

1) мамлакатимизда қабул қилинган 2009-2012 йилларда жаҳон иқтисодий инқирози оқибатларининг олдини олиш ва бартараф қилиш бўйича инқирозга қарши дастурни амалга ошириш, шу асосда иқтисодий ўсишнинг узоқ муддатли барқарор суръатларини ва иқтисодиётнинг мувозанатли ривожланишини таъминлаш;

2) таркибий ўзгартиришларни давом эттириш ва иқтисодиётни диверсификациялаш, буни биринчи навбатда, халқаро сифат стандартларига жавоб берадиган, ички ва ташқи бозорларда талаб юқори бўлган рақобатбардошли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш йўли билан амалга ошириш;

3) қишлоқ турмуши сифатини ва қиёфасини тубдан яхшилашга, қишлоқ жойларда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини жадал ривожлантиришга, мулкдорнинг, тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг мақоми, ўрни ва аҳамиятини тубдан қайта кўриб чиқишга, фермер хўжалигини ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга йўналтирилган узоқ муддатли, ўзаро чуқур боғланган чора-тадбирлар кенг комплексини амалга ошириш;

4) аҳоли бандлигини таъминлаш, унинг турмуш сифатини оширишнинг энг муҳим омили сифатида хизматлар кўрсатиш соҳаси ва кичик бизнесни жадал ривожлантириш;

5) мамлакатни модернизация қилиш ва аҳоли бандлигини оширишнинг энг муҳим омили сифатида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш;

6) банклар ишини янада такомиллаштириш, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш маблағларини тижорат банкларидаги депозитларга жалб қилишни рағбатлантириш.

4. Жўраев Ф. «Қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш» Тошкент, «Истиқлол». 2004 йил.

Мазкур дарсликда мамлакат қишлоқ хўжалигида хўжалик юритиш субъектларини ташкил этиш туртиби, уларнинг ҳуқуқлари, вазифалари ва бошқалар кўрсатиб ўтилган. Дарсликда қишлоқ хўжалиги тармоқларини самарали ташкил этиш бўлимлари ҳам мавжуд. Шунингдек, дарсликда пахтачиликни ташкил этиш ва самарадорлигини оширишга ҳам тўхталиб ўтилган.

5. Исмоилов А., Муртазаев О. «Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти». Тошкент, «Молия», 2005 йил.

Мазкур адабиётнинг қишлоқ хўжалик иқтисодиётини умумий ҳолда тавсифлаб бериш билан биргаликда қишлоқ хўжалигидаги айрим соҳалар ҳақида муҳим маълумотлар берилган. Қишлоқ хўжалик корхоналарида иқтисодий самарадорликни ошириш ва унинг имкониятларига алоҳида аҳамият берилган.

Дарсликнинг 18-бобида меҳнат унумдорлиги ва 24-бобида пахтачиликда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ёритилган.

6. Ғаниев И.М. «Пахтачилик мажмуи иқтисодий самарадорлигини ошириш имкониятлари». Автореферат. Самарқанд, 2005 йил.

Мазкур авторефератда пахтачилик агросаноат интеграциясида пахтачилик мажмуини яратиш зарурияти асослаб берилган бўлиб, жумладан қуйидагиларга тўхталинган:

«...Пахтачилик мажмуини яратишнинг зарурияти қуйидагилардан иборат:

- пахтачилик мажмуи уни бошқаришни такомиллаштиради ва якуний маҳсулот сифатини кафолатлайди;

- хўжаликлар ва заводлар ўзаро ихтисослашади ва уруғ танлашда ўзаро алоқада бўладик, бу юқори даражада тола берадиган навларни амалда жорий этишга имкон беради;

- пахта хом ашёси етиштирувчи хўжаликлар ва пахтани қайта ишловчи заводнинг ўзаро манфаатдорлигини таъминлайди;

- заводларга юқори сифатли пахта хом ашёсини сотиш ва хўжаликларга уруғ етказиб бериш доимийлиги сақланади;
- пахта хом ашёси етиштирувчи хўжалик ва заводнинг юқори сифатли тола ва уруғ ишлаб чиқаришда манфаатдорлиги ошади;
- томонларни, айниқса, хом ашё ишлаб чиқарувчиларнинг техника, ва бошқа моддий-техник воситалар билан таъминланиши яхшиланади;
- ишлаб чиқариш қуввати ва иш кучидан самарали фойдаланиш имконияти яратилади;
- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига ва қайта ишлаш саноати корхоналарида фан ва техника ютуқларини комплекс қўллаш учун шарт-шароитлар вужудга келади...»

7.Орипов Р.О., Халилов Н.Х. «Ўсимликшунослик». Дарслик. Самарқанд, 2005

Мазкур дарсликда ўсимликшуносликнинг, хусусан, пахтачиликнинг назарий асослари, маданий ўсимликларнинг келиб чиқиш марказлари ва улар генотипларининг шаклланиш шароитлари, биологик азот, ўсимликларнинг оптимал намлик билан таъминланиши, ўсимликларнинг фотосинтез фаолияти, аралаш ва қўшиб экилган ўсимликларнинг мутаносиблиги, уруғшунослик, дала экинларининг халқ хўжалигидаги аҳамияти, тарихи, ботаник ва биологик хусусиятлари, етиштириш технологиялари сўнгги йилларда мамлакатимиз қишлоқ хўжалигидаги ислохотлар, ўзгаришлар ҳамда фандаги ютуқлар ҳисобга олинган ҳолда ёритилган.

8. Ўзбекистон Республикаси ВМ 05.02.1999 й. 54-сон Қарорига илова «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом»

Унда маҳсулот ишлаб чиқариш таннархига киритиладиган харажатлар таркиби ва молиявий натижалар шаклланиши белгилаб берилган.

9. www.press-service.uz сайтидан мавзуга тааллуқли Президентимиз маърузалари, фармон ва қарорлардан фойдаландик.

2. Қишлоқ хўжалигида ресурслар салоҳияти ва улардан фойдаланиш самарадорлиги

2.1. Ер ресурслари ва улардан фойдаланиш

Мамлакатимиз аграр сиёсатида ер ислохоти муҳим ўрин эгаллайди. Бизда ер ислохоти мустақилликдан анча аввал, ҳали мустабид тузум тарқалмаган даврда бошланганига гувоҳ бўламиз.

Ер ва ер муносабатларини такомиллаштириш мақсадида “Ер тўғрисида”, “Ер кодекси”, “Ер кадастри; каби қонунлар қабул қилинди ва “Ер ресурслари” Давлат қўмитаси ташкил қилинди. Ер муносабатларида энг асосий тамойил ер давлат мулки бўлиб қолди, шу билан бир қаторда кўп укладли иқтисодиёт шароитида унга эгалик қилиш ва фойдаланиш механизми ишлаб чиқилди.

Маълумки, фермер хўжаликлари ривожланиши энг аввало ер, сув ресурсларининг самарадорлигига боғлиқ. Ерларнинг унумдорлигини ошириш, сув ресурсларидан оқилona фойдаланиш тармоқ салоҳияти ошишининг муҳим бир омили бўлиб ҳисобланади.

Ернинг жамиятдаги аҳамияти беқиёсдир. Унда фуқаролар яшаши учун бинолар қурилади, турли маҳсулотлар етиштирилади. Демак, ернинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидаги аҳамияти улкан. Чунки у шу тармоқнинг энг асосий ишлаб чиқариш воситаси ҳисобланади. Ерга уруғ, кўчат экиб, ишлов бериш натижасида турли хилдаги маҳсулотлар етиштирилади. Демак, тармоқда етиштириладиган барча турдаги маҳсулотлар ердан, сувдан фойдаланган ҳолда олинар экан. Инглиз иқтисодчиси Уильям Петтининг айтишича, “ер-бойликнинг онаси....”

Ер-сув-умуммиллий бойликдир. Ўзбекистон Республикаси халқи ҳаёти, фаолияти ва фаровонлигининг асоси сифатида улардан оқилona ҳамда самарали фойдаланиш зарурлиги “Ер кодекси”да, “Сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги қонунда алоҳида таъкидланган. Республика ҳудудидаги барча корхоналар, фуқаролар бу қонуний талабни бажаришлари шарт. Шунинг учун улар тупроқ унумдорлигини сақлаш ва оширишга, сувни ифлос

қилмасликка, шунинг негизидан улардан талаб даражасида самарали фойдаланишга катта эътибор беришлари лозим. Шу масъулиятни ҳис этган ҳолда фермер хўжаликлари уни ижобий ҳал этишга, фойдаланиш мумкин бўлган майдонлардан тўлиқ ва самарали фойдаланишга интилоқдалар.

Қишлоқ хўжалигида етиштирилаётган ялпи маҳсулотнинг 95 фоизга яқини суғориладиган ерлардан олинади. Саноатнинг қишлоқ хўжалик хом-ашёларига, аҳолининг эса озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаби қондирилишида ер ва сувнинг аҳамияти жуда катта. Ерлардан, сувлардан қанча оқилона, самарали фойдаланилса, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ҳажми шунчалик кўпаяди, натижада хом-ашё, озиқ-овқат маҳсулотларини қондирилиш даражаси ортади.

Лекин ердан асосий восита сифатида фойдаланишда унинг бир қанча хусусиятларини эътиборга олиш мақсадга мувофиқдир:

а) ер майдонининг чекланганлиги ва такрор ишлаб чиқарилмаслиги. Она замин табиатан чекланган, унинг майдонини инсон қенгайтира олмайди. Чунки у табиат маҳсули ҳисобланади. Бошқа асосий воситаларни, масалан, тракторларни, машиналарни қондириш мақсадида хоҳлаганча ишлаб чиқариш мумкин;

б) ернинг табиат маҳсули эканлиги. Ерни табиат яратган. Шунинг учун унинг келажакдаги тақдири табиатга боғлиқ. Бошқа асосий воситалар, яъни бинолар, иншоотлар, қомбайнлар, тракторлар инсон меҳнатининг маҳсулидир. Зарурият туғилганда улар инсон томонидан ишлаб чиқарилиши мумкин. Ерни эса инсон ишлаб чиқара олмайди.

в) ер-қишлоқ хўжалигининг абадий ишлаб чиқариш воситасидир. Республика ҳудудида мавжуд бўлган ерлардан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда биздан олдинги авлодлар фойдаланган, ҳозирги даврда биз фойдаланмоқдамиз, келажакда эса авлодларимиз фойдаланади. Шу нуқтаи назардан ер абадий ишлаб чиқариш воситаси ҳисобланади;

г) ерни қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш мақсадида бир жойдан иккинчи жойга кўчириб юриш имконияти чекланган. Ундан жойлашган

маконида, яъни стационар ҳолатда оқилона фойдаланиш мумкин. Лекин машина ва тракторларни талаб этилган жойга олиб бориб, турли хилдаги ишларни амалга ошириш, бино-иншоотларни ҳам талаб этилган жойга куриш мумкин;

д) ернинг юқори қатлами ҳисобланган тупроқ унумдорлигининг мавжудлиги, яхши қараш натижасида унинг ошиб бориши. Дарҳақиқат, тупроққа вақтида ишлов берилса, ўғитланса, унинг унумдорлиги ошиб бориши мумкин. Лекин бошқа асосий воситалар ишлаб чиқариш жараёнида қатнашиши оқибатида жисмоний жиҳатдан ишдан чиқади. Улар вақт ўтиши билан фан-техника тараққиёти натижасида маънавий жиҳатдан ҳам эскиради.

Лекин ерга эътибор берилса, ундан фан-техника ютуқларини жорий этган ҳолда оқилона, самарали фойдаланилса, унумдорлиги ошиб бориши мумкин. Аммо бу унинг унумдорлиги чекланмаган, дегани эмас. Шундай экан, ернинг унумдорлигидан тадбиркорлик билан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Қишлоқ хўжалигида ернинг юқори қатлами ҳисобланган тупроқ унумдорлиги катта аҳмият касб этади. Ҳаётда тупроқ унумдорлигининг қуйидаги турлари мавжуд: табиий, сунъий ва иқтисодий унумдорлик. Тупроқнинг табиий унумдорлиги-табиат маҳсулидир. У табиатнинг таъсири натижасида узоқ йиллар мобайнида шаклланади. Унинг ҳолати қуёш нури ҳамда ёғингарчилик миқдориға ҳамда шамол ва сувларнинг таъсириға боғлиқдир. Уларнинг ижобий таъсирида тупроқ табиий унумдорлиги яхши бўлади.

Сунъий ва иқтисодий унумдорлик эса инсон меҳнати натижасида шакллантирилиб, оширилиши мумкин. Жумладан, меҳнат, маблағ сарфлаб, ерларнинг ирригацион, мелиоратив ҳолатини яхшилаб, уруғ экиб, уларни ўғитлаш, яхши сифатли ишлов бериш орқали тупроқнинг иқтисодий унумдорлиги юксалтирилиши мумкин.

Фермер хўжаликлариға ер ажратиш ва ердан фойдаланиш қонун-қоидалари Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Фермер

хўжалиги тўрисида” ги қонунда белгилаб берилган. Мазкур қонуннинг 2-бўлим 5-моддасига мувофиқ, чорвачилик маҳсулоти етиштиришга ихтисослаштирилган фермер хўжалиги камида 30 шартли бош чорва мол бўлган тақдирда ташкил этилади. Фермер хўжалигига ижарага бериладиган ер участкаларининг энг кам ўлчами бир шартли чорва молга ҳисоблаганда Андижон, Наманган, Самарқанд, Тошкент, Фарғона ва Хоразм вилоятларидаги суғориладиган ерларда камида 0,3 гектарни, бошқа вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасидаги суғориладиган ерларда камида 0,45 гектарни, суғорилмайдиган (лалмикор) ерларда эса камида 2 гектарни ташкил этади.

Дехқончилик маҳсулоти етиштиришга ихтисослаштирилган фермер хўжаликларига ижарага бериладиган ер участкаларининг энг кам ўлчами пахтачилик ва ғаллачилик учун камида 10 гектарни, боғдорчилик, узумчилик, сабзавотчилик ва бошқа экинларни етиштириш учун камида 1 гектарни ташкил этади.

Ер участкалари берилганда фермер хўжалиги ўз зиммасига қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги (уч йил учун ўртача йиллик ҳосил ҳисобида) ернинг кадастр баҳосида кам бўлмаслигини таъминлаш мажбуриятини олади. Бу мажбурият ер участкасини ижарага олиш шартномасида мустаҳкамлаб қўйилади.

Қонуннинг 3-бўлим 10-моддасида “Фермер хўжаликлари ютириш учун бериладиган ер участкалари” тўғрисида қуйидагилар келтирилган:

Фермер хўжаликлари юритиш учун ер участкалари, заҳира ерлардан, юридик ва жисмоний шахсларга берилмаган, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан, қайта ташкил этилаётган ва тугатилаётган қишлоқ хўжалиги кооперативларининг (ширкат хўжаликларининг) ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ер участкаларидан берилади. Фермер хўжаликларига қишлоқ хўжалиги кооперативларининг (ширкат хўжаликларининг) ҳамда бошқа қишлоқ

хўжалик корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ер участкаларидан берилган ер участкалари уларнинг балансидан чиқарилади.

Илмий-тадқиқот муассасалари, олий ўқув юртлари, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва умутаълим мактабларининг ерлари, шунингдек сув фонди ерлари фермер хўжаликларига берилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси, катта ва кичик дарёлар, сув ҳавзалари бўйлаб жойлашган ер участкалари фермер хўжалиги юритиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда берилади.

Фермер хўжаликлари юритиш учун ер участкалари бериш тартиби қонуннинг 11-моддасида айтиб ўтилган бўлиб, унга мувофиқ, фермер хўжаликлари юритиш учун ер участкалари танлов асосида ижарага эллик йилгача бўлган, лекин ўттиз йилдан кам бўлмаган муддатга берилади.

Фермер хўжалигига берилган ер участкаларидан қатъий белгиланган мақсадда фойдаланилади. Улар хусусийлаштирилиши, шунингдек олди-сотди, гаров, ҳадя, айирбошлаш объекти бўлиши ва иккиламчи ижарага берилиши мумкин эмас.

Ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи кредитлар олишда фермер хўжалиги томонидан гаровга қўйилиши мумкин. Ер участкасининг ўлчами ва чегаралари фақат фермер хўжалиги бошлиғининг розилиги билан ўзгартирилиши мумкин. Фермер хўжалиги вафот этган тақдирда, ер участкаларини ижарага олиш ҳуқуқи қонун ҳужжатларига мувофиқ ижарага олиш шартномасининг амал қилиш муддатига мерос бўлиб ўтади.

Фермер хўжалиги тугатилган тақдирда, ер участкасини ижарага олиш шартномаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бекор қилиниши лозим.

Фермер хўжаликлари фойдаланадиган ердан ўз навбатида фойдаланганлик учун ҳақ тўлаб бордилар. Фермер хўжалигига берилган ер участкасидан фойдаланганлик учун ҳақ маҳаллий бюджетга тўланадиган ҳар йилги ижара ҳақи тариқасида ер участкасининг сифатига, жойлашган ери ва сув билан таъминланганлик даражасига қараб, ернинг кадастр баҳосини

инобатга олган ҳолда белгиланадиган ягона ер солиғи ставкаси миқдорида ундирилади.

Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг бюджетга тўловларини ихчамлаштириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 октябрдаги фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 26 декабрдаги 539-сонли қарорига мувофиқ 9 хил солиқни бирлаштириб, ягона ер солиғи жорий этилди.

Давлат рўйхатига олинган пайтдан эътиборан икки йил мобайнида фермер хўжалиги ер участкасидан фойдаланганлик учун ҳақ тўлашдан озод этилади. Фермер хўжалиги тегишли лойиҳада назарда тутилган ерни ўз ҳисобидан ўзлаштираётган даврда ва ер ўзлаштириб бўлинганидан кейин беш йил давомида ернинг мазкур ўзлаштирилган қисми учун ягона ер солиғи тўлашдан озод қилинади.

Ягона ер солиғи тўловчилари давлат ва божхона божини, лицензия йиғимларини, алкогольли маҳсулотлар учун акциз солиғини ва бюджетдан ташқари фондларга тўловларни белгиланган тартибда тўлайди. Ягона ер солиғини жорий этилиши қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларининг солиқ тизимини соддалаштириб, уларни ёрдамчи ишлаб чиқаришларини ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатади. Чунки бу фаолиятдан олинган даромад солиққа тортилмайди.

Ягона ер солиғи қуйидагиларга тегишли эмас:

- ўрмончилик, балиқчилик ва овчилик хўжаликларига;
- илмий-тадқиқот ташкилотлари ва илмий муассасаларнинг тажриба, экспериментал ва ўқув тажриба хўжаликларига;
- мустақил юридик шахс ҳисобланмаган ёрдамчи қишлоқ хўжалик корхоналарига;
- деҳқон хўжаликларига

Ягона ер солиғининг база ставкалари ва база ставкаларига тузатиш коэффициентлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Қуйидаги ер участкалари ягона ер солиғидан озод қилинади:

- қишлоқ аҳоли пунктларининг умумий фойдаланишдаги ерлари;
- Ихота дарахталари экилган майдонлар;
- Спорт иншоотлари майдонлари;
- Янги ўзлаштирилаётган ерлар, ишлар бошланган эътиборан лойиҳада назарда тутилган муддатга, лекин 5 йилдан кўп эмас;
- Янги экилган тут майдонлари 3 йил муддатга;
- Амалдаги қонунларга мувофиқ солиқ солинмайдиган ерлар.

Ер ресурсларидан самарали фойдаланиш ўз навбатида сув ресурсларидан ҳам оқилона фойдаланиш заруриятини келтириб чиқаради. Чунки ўсимлик дунёсини сувсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Буни иссиқ ўлка ҳисобланган бизнинг республикамизда яққол кўриш мумкин. Шунинг учун сувни тежаш, ундан оқилона фойдаланиш қонун билан белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майда қабул қилинган “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида” ги қонунида сувнинг давлат мулки эканлиги, умумий бойлик ҳисобланилиши, сувдан оқилона фойдаланиш лозимлиги ва у давлат томонидан қўриқланиши таъкидлаб ўтилган. Яна шу қонунда Республиканинг ягона давлат сув фонди: дарёлар, кўллар, сув омборлари, бошқа ер усти сув ҳавзалари ва сув манбалари, канал ва ҳовузларнинг сувларидан, ер ости сувлари ва музликлардан иборатлиги кўрсатиб ўтилган.

Яна шуни таъкидлаб ўтиш керакки, қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган сувларнинг сифати ҳам барча вилоятларда бир хилда бўлмай, бир-бирларидан фарқ қилади.

Масалан, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларининг аксарият ҳудудларида экинларни суғоришда фойдаланиладиган сувларнинг сифати яхши, яъни уларнинг таркибида ҳосилдорликка салбий таъсир этувчи турли

хилдаги минераллар кам, лекин Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилояти ҳудудларида фойдаланилаётган сувларнинг таркибида хлор ва бошқа моддалар кўп. Шунинг учун ҳам уларнинг сифати ниҳоятда ёмон.

Бундай ҳол қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ҳажмига, сифатига салбий таъсир кўрсатади. Келажакда ерларнинг унумдорлигини ошириш, сувларнинг сифатини яхшилашга қаратилган барча тадбирлар мажмуасини самарали амалга ошириш орқали зарур қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳажмини, миқдорини кўпайтиришга ва сифатини яхшилашга эришиш мумкин.

Фермер хўжаликлари учун сувдан фойдаланиш лимитлари ваколатли органлар томонидан белгиланади.

Ер-сув ресурсларидан самарали фойдаланиш қишлоқ хўжалигида товар маҳсулотлари етиштиришнинг муҳим шарти ҳисобланади. Шунинг учун Республикамизнинг барча вилоятларида ер-сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, уларнинг унумдорлигини ошириш ишларини доимий равишда олиб бориш мақсадга мувофиқ.

Қишлоқ хўжалик экинлари таркибининг 2010-2012 йиллардаги ўзгаришини 2.1.1-жадвалда кўришимиз мумкин

2.1.1-жадвал

Қишлоқ хўжалик экинлари таркиби

т/р	Кўрсаткичлар	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2012 йил 2010 йилга нисбатан ўзгариши, %	
					Миқдори, +/-	Салмоғи, %
1	Ғалла	9010	8940	10225	1215	113,5
2	Пахта	8760	8702	9150	390	104,5
3	Сабзавот	1573	1770	2125	552	135,1
4	Полиз	12	10	10	-2	83,3
5	Мева	729	729	729	0	100,0
6	Картошка	122	80	80	-42	65,6
7	Ўзум(ҳосилли)	148	148	148	0	100,0
8	Бошқа ерлар	564,2	675,5	675,5	111,3	119,7
	Жами:	20918,2	21054,5	23142,5	2224,3	110,6

Манба: Оқдарё тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими маълумотлари

2.1.1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики туманда қишлоқ хўжалик экин майдонлари 2010 йилда 2010 йилга нисбатан 2224,3 гектарга ёки 10,6 фоизга ошан. 2010 йилда ғалла ишлаб чиқариш учун ажратилган ер майдони 9010 гектарни ташкил этган бўлиб 2012 йилда бу кўрсаткич 10225 гектарни ташкил этгани ҳолда 2012 йилда 2010 йилга нисбатан 1215 гектарга ёки 13,5 фоизга ошган. Пахта ишлаб чиқариш учун ажратилган ер майдони 2010 йилда 8760 гектарни ташкил этган бўлиб 2012 йилда бу кўрсаткич 9150 гектарни ташкил этгани ҳолда 2012 йилда 2010 йилга нисбатан 390 гектарга ёки 4,5 фоизга ошган. Сабзавот ишлаб чиқариш учун ажратилган ер майдони 2010 йилда 1573 гектарни ташкил этган бўлиб 2012 йилда бу кўрсаткич 2125 гектарни ташкил этгани ҳолда 2012 йилда 2010 йилга нисбатан 552 гектарга ёки 13,5 фоизга ошган. Полиз маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун ажратилган ер майдони 2010 йилда 12 гектарни ташкил этган бўлиб 2012 йилда бу кўрсаткич 10 гектарни ташкил этгани ҳолда 2012 йилда 2010 йилга нисбатан 2 гектарга ёки 16,7 фоизга камайган. ишлаб чиқариш учун ажратилган ер майдони 9010 гектарни ташкил этган бўлиб 2012 йилда бу кўрсаткич 10225 гектарни ташкил этгани ҳолда 2012 йилда 2010 йилга нисбатан 1215 гектарга ёки 13,5 фоизга ошган. Мева ва узумчиликда экин майдонлари таҳлил қилинаётган йилларда ўзгаришсиз қолган.

Яна шуни таъкидлаб ўтиш керакки, фермер хўжаликларига ажратилган ер майдонидан фойдаланиш самарадорлиги ер қайтими, ер сиғими каби иқтисодий кўрсаткичларда билинади. Шу нуқтаи назардан, туман фермер хўжаликларида ерлардан фойдаланиш ҳолатини ўрганиш учун ушбу кўрсаткичларни таҳлил қилиб, уни ошишриш имкониятларидан фойдаланиш муҳим ҳисобланади. (кейинги бобда ер қайтими таҳлил қилинган)

Умуман, ер ресурсларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини юксалтириш учун ер муносабатларини такомиллаштириш, чуқурлаштириш, яъни либераллаштириш масалаларини ҳал этишни тезлаштириш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун ер ва сувнинг баҳоларини

ва улардан фойдаланганлик учун тўланадиган ҳақларни, солиқлар миқдорини реалроқ аниқлаш лозим. Бунда бозор иқтисоди қонунлари талабларига асосланиш, шунингдек, ер ва сув ресурсларининг чекланганлиги, такрор ишлаб чиқарилмаслиги, ҳолати, сифати, истеъмолчиларга узоқ-яқинлиги, ишлаб чиқариш воситалари ҳамда инфратузилмалар билан таъминланганлиги, олинаётган маҳсулот, фойда суммаси каби индикаторларни ҳам эътиборга олиш зарур.

Умуман, ерлардан тўлиқ ва самарали фойдаланиш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим:

- ер-сув ислохотларини қонунлар асосида яхши ўтказиш, уларни фойдаланувчиларга бериш, сотиш;
- захланиб, шўрланган ерларда ирригация ва мелиорация тадбирларини вақтида сифатли амалга ошириш;
- янги, самарали техникаларни, илғор технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш;
- илмий ва амалий жиҳатдан асосланган алмашлаб экишни тиклаш;
- экологияга салбий таъсир кўрсатмаган ҳолда кимёвий воситалардан оқилона фойдаланиш;
- селекция, уруғчиликни, агротехник тадбирларни сифатли амалга ошириш ва ҳоказо.

Юқоридаги фикрлардан шуни айтиш мумкинки, фермер хўжаликларини самарали фаолият юритиши бевосита ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланишга боғлиқ бўлиб, ерларнинг унумдорлигини ошириш борасида доимий равишда чора-тадбирларни амалга ошириш муҳимдир.

2.2. Хўжаликда меҳнат ресурслар ва улардан фойдаланиш

Фермер хўжаликларининг самарали фаолият меҳнат ресурсларининг ўрни ҳам бекиёс. Мамлакатимизнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган барча талабларини қондиришда жонли ва буюмлашган меҳнатнинг аҳмияти улкан. Чунки у қийматни яратади, қолаверса, инсоннинг онгли-

мақсадга йўналтирилган фаолиятidir. У билан меҳнат предметлари ҳамда воситалари уйғунлашган ҳолда иш жараёни амалга оширилади. Бу жараённинг маҳсули қиймат ҳисобланади. Демак, талабни қондира олиш қобилиятига эга бўлган маҳсулотларни етиштириш, хизматларни бажариш инсоннинг жонли фаолияти (меҳнати) билан меҳнат предметлари ва воситаларининг мақсадга мувофиқ боғланишига боғлиқ.

Инсон ва унинг онгли фаолияти бўлмаса ҳеч қандай маҳсулот яратилмайди, иш ёки хизмат бажарилмайди. Шундай экан, фақат инсон ўзининг онгли фаолияти билан маҳсулотларни яратади.

Қишлоқ хўжалигида меҳнат тармоқнинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги хусусиятларга эга:

- меҳнат ва унинг самараси табиий шароит билан боғлиқлиги;
- меҳнатдан фойдаланишга ишлаб чиқариш мавсумийлигининг таъсир қилиши;
- қишлоқ хўжалигидаги меҳнатнинг ўсимликлар ҳамда тирик мавжудотлар (ҳайвонлар, ўсимликлар) билан узвий боғланганлиги;
- ўсимликчилик ва чорвачилик тармоқларида ишлаб чиқариш жараёнларининг автоматлаштирилганлик ва механизациялаштирилганлик ҳамда электрлаштирилганлик даражаси пастлиги;
- тармоқда тор доирадаги ихтисослашишнинг камлиги;
- қишлоқ хўжалигида сарфланаётган меҳнат таркибида аёллар ва ёшлар меҳнати салмоғи (ҳиссаси) нинг кўплиги;
- қишлоқ хўжалигида меҳнатга тўланаётган ҳақ ва унинг ижтимоий ҳимояланиши бошқа тармоқлардагига нисбатан пастлиги ва бошқалар.

Таъкидланган хусусиятлар тармоқда сарфланадиган меҳнатнинг миқдорига, сифатига ва самарасига бевосита таъсир этади.

Қишлоқ хўжалигидаги меҳнат қилиш қобилиятига эга бўлган фуқаролар меҳнат ресурслари деб аталади. Меҳнат ресурслари 16 ёшдан 60

ёшгача бўлган эркеклар, 55 ёшгача бўлган аёллар ҳисобланади. Шу билан биргаликда меҳнат қилиш имкониятига эга бўлган ўсмирлар ва нафақахўрлар ҳам меҳнат ресурси саналади. Уларнинг таркибида иқтисодий фаол меҳнат қилиш имкониятига эга бўлганлар алоҳида аҳамият касб этади. Уларни 16-55 ёшгача бўлган аёллар, 60 ёшгача бўлган эркеклар ташкил этади. Улар меҳнат ресурсининг асосини ташкил этади.

Меҳнат ресурслари қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда ишлаб чиқариш ресурсларининг энг фаол омили сифатида катта аҳамиятга эга. Улар ишлаб чиқариш жараёнида онгли равишда қатнашиб, кўпроқ, сифатлироқ маҳсулотларни талабни қондирадиган миқдорда етиштиришга, иш ва хизматларни бажаришга хизмат қилади. Шундай экан, улардан йил давомида тўлиқ, самарали фойдаланишга эришиш лозим.

Оўқдарё тумани фермер хўжаликларининг меҳнат ресурслари билан таъминланиш 3-жадвалда кўрсатилиб ўтилган.

2.2.1- жадвал маълумотларидан куришиб турибдики хўжалик ҳудудида яшовчи мавжуд аҳоли сони 2012 йил 2010 йилга нисбатан 10881 кишига ёки 9,0 фоизга ошган, шу жумладан хотин қизлар 5435 кишига ёки 9,0 фоизга ошган. Меҳнат ресурслари миқдори 2010 йилда 82120 кишини ташкил этган бўлиб 2012 йилда бу кўрсаткич 83030 кишини ташкил этгани ҳолда 2012 йилда 2010 йилга нисбатан 1,1 фоизга ошган. Хўжаликда яшаб бошқажойда яшовчи меҳнат ресурслари ижобий ҳолда ўзгариб 2010 йилда 450 кишини ташкил этган бўлиб 2012 йилда 420 кишини ташкил этгани ҳолда 2012 йилда 2010 йилга нисбатан 30 кишига ёки 6,7 фоизга камайган. Бу ҳолат туманда аҳолини ишбилан таъминлаш масаласида кенг кўламли ишлар олиб борилаётганлигидан далолат беради.

2.2.1-жадвал

**Оқдарё тумани фермер хўжаликларининг меҳнат ресурслари билан
таъминланиш даражаси**

т/р	Кўрсаткичлар	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2012 йил 2010 йилга нисбатан ўзгариши, %
1	Туман ҳудудда яшовчи мавжуд аҳоли	121230	124200	132111	109,0
	шундан: хотин- қизлар	60615	62100	66050	109,0
2	Меҳнат ресурслари	82120	82630	83030	101,1
	шундан: хотин- қизлар	20530	20657	20757	101,1
3	Ўртача банд бўлган аҳоли сони	46005	46345	46455	101,0
	шундан: хотин- қизлар	11501	11586	11613	101,0
	Кичик бизнесда банд аҳоли сони	35757	40450	40866	114,3
	Меҳнатга қобилиятли ёшдан катталар	30	41	53	176,7
4	Меҳнатга қобилиятсизлар	23	20	24	104,3
5	Хўжаликда яшаб бошқа жойда ишловчилар	450	480	420	93,3

Манба: Оқдарё тумани Статистика бўлими 2010-2012 йил маълумотлари асосида муаллиф
ишланмаси

Қишлоқ хўжалгида меҳнат хусусиятлари тармоқда сарфланган меҳнатнинг миқдори, сифати ва самарасига бевосита таъсир этади. Турлича табиий шароитда, ҳар хил даражада ихтисослашган хўжаликларда бир хил иш жараёнларини амалга ошириш учун ҳар хил миқдорда бир турдаги меҳнат сарфланади, унинг самарадорлиги ҳам бир-биридан фарк қилади. Кеч куз, қиш ва эрта баҳорда меҳнат сарфи кескин камайиб, ҳосилни йиғиб олишда унга бўлган талаб ортади. Шу даврда мавсумий ишчилар

шартнома асосида жалб этилади. Ўсимликчилик ва чорвачиликда бажариладиган ишларнинг кўпчилиги юқори даражада билим ва малака талаб этмайди. Тармоқнинг янги, унумли техникалар билан талаб даражасида таъминланмаганлиги айрим иш жараёнларини (суғориш, чиканка қилиш, ҳосилни йиғиб олиш, чорва ҳайвонларини озиқлантириш ва ҳоказо) тўлиқ механизациялаштириш имконини бермайди, натижада оддий жонли меҳнат харажатлари ортади. Шунинг учун қишлоқ хўжалигида жумладан фермер хўжаликларида меҳнат жараёнини амалга оширишда унинг самарали бўлишини таъминлаш учун барча хусусиятларни эътиборга олиш мақсадга мувофиқдир.

Қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларидан йил давомида тўлиқ ва самарали фойдаланиш ҳамда уларнинг меҳнатлари унумдорлигини ошириш учун, тармоқнинг ривожланишини эътиборга олган ҳолда қўшимча иш жойларини ташкил этиш, тармоқнинг ишлаб чиқариш таркибини такомиллаштириш ва моддий-техника таъминотини юксалтириш, қишлоқ хўжалигига янги техникаларни, самарали технологияларни изчиллик билан татбиқ этиш, қишлоқда тадбиркорлик шакллари ривожлантириш каби чора-тадбирлар тармоқдаги меҳнат ресурсларидан фойдаланишни яхшилаб, меҳнат унумдорлиги ошишига ижобий таъсир этади.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг иш кучи билан таъминланиши, меҳнат билан таъминланиш коэффициенти ва меҳнат билан таъминланиш салмоғи кўрсаткичлари билан характерланиши мумкин. Меҳнат билан таъминланиш коэффициенти (МБТК) мавжуд меҳнат ресурслари микдорини (ходим, киши/соат) унга бўлган меъёрни талабга (ММР) бўлиб топилади.

$$М М Р М \text{ к/с}$$

$$М Б Т К = \frac{\text{-----}}{М М Р}$$

$$М М Р$$

М М Р М - мавжуд М Р. микдори (к/с)

М М Р - меъёрий меҳнат ресурслари

Меҳнат билан таъминланишнинг салмоғи кўрсаткичлари куйидагилар:

а) 1 - ходимга тўғри келган йиллик ишлаб чиқариш юкламасининг ҳажми (к/с)

$$\frac{\text{Й Ю}}{\text{Х С}} = \frac{\text{йиллик ишлаб чиқариш юкламаси}}{\text{ходимлар сони}}$$

б) 100 га қишлоқ хўжалик ярокли ерга тўғри келган ходимлар сони:

$$\frac{\text{ХС}}{\text{К/ХЯС}} = \frac{\text{ходимлар сони}}{\text{қишлоқ хўжалиги ярокли ер}} * 100$$

в) 1 ходимга тўғри келган қишлоқ хўжалигига ярокли ер, ҳайдаладиган ер ва қишлоқ хўжалик экинлари майдони:

$$\frac{\text{КХЯЕ;ХЕ ЭМ}}{\text{ХС}} = \frac{\text{қишлоқ хўжалиги ярокли ер; ҳай. ер экин майдони}}{\text{ходимлар сони}}$$

Қишлоқ хўжалигида иш кучининг миқдори ва ҳаракатини ҳисоблаш учун куйидаги кўрсаткичлар системаси қўлланилади - ўртача рўйхатдаги ва ўртача йиллик ходимлар сони, иш кучининг айланиши ва кўнимсизлиги коэффиценти. Йилдаги ўртача рўйхатдан ўтган ходимлар сони ёки уларнинг умумий сонини, 1 йилдаги иш кунлар (285) сонига бўлиб топилади.

$$\text{Урхс} = \frac{\text{ходимлар сони}}{285} = \frac{\text{хс}}{285}$$

Ўртача йиллик ходимлар сони қуйидагича топилади:

$$\frac{\text{Ходимларнинг ҳар ойидаги ўртача рўйхатдаги миқдорини қўшиб ёки} \\ \text{сарфланган жами к/с ларни} \\ \text{Уйхс}}{12} =$$

12-ойга ёки 1 ходимга ҳақиқатда сарфланган к/с ларнинг миқдорига

бўлинади. ($285 * 7 = 1995$ киши/соати)

Иш кучини қабул қилишнинг айланиш коэффициентини қуйидагича топилади:

$$\text{ИКККАК} = \frac{\text{йил давомида қабул қилинганлар сони}}{\text{ўртача рўйхатдаги ходимлар сонига}}$$

Ишдан кетганларнинг айланиш коэффициентини қуйидагича топилади:

$$\text{Иш Кетганлар Айл.Коэфф} = \frac{\text{ишдан кетган ходимлар сони}}{\text{ўртача рўйхатдаги ходимлар сонига}}$$

Иш кунининг кўнимсизлик коэффициентини қуйидагича топилади:

$$\text{ИККу} \text{н К} = \frac{\text{ўз хоҳишига кўра ва меҳнат интизомини} \\ \text{бузганлиги учун ишдан бўшатишган ходимлар сони}}{\text{ўртача рўйхатдаги ходимлар сонига}}$$

Қишлоқ хўжалигида иш кучидан фойдаланиш бир катор ўзига хос хусусиятларга эга. Бу ишлаб чиқариш шароитидан, фойдаланиладиган

технологиядан, техника билан таъминланиш даражасидан, қишлоқ меҳнаткашлари учун деҳқон хўжалигининг мавжудлигидан келиб чиқади.

2.3. Моддий ресурслар ва улардан самарали фойдаланиш

Моддий ресурслар асосий ва айланма воситалардан иборат бўлиб, қишлоқ хўжалик корхоналарида мазкур ресурслар салоҳиятини ошириш тармоқда ишлаб чиқариш ривожига муҳим асос бўлади.

Қишлоқ хўжалигининг моддий-техника ресурслари ҳисобланган ер, машина-трактор, комбайнлар, кимёвий воситалар, ёқилғилар, ем-хашаклар, уруғликлар ва бошқа воситаларнинг қиймат ҳолидаги кўриниши тармоқ фондларини ташкил этади. Улар иқтисодий моҳияти, шаклланиши, ишлаб чиқариш жараёнида қатнашишига кўра, ишлаб чиқариш ҳамда ноишлаб чиқариш фондларига бўлинади. Уларни айрим ҳолларда ишлаб чиқариш жараёнида бевосита ва билвосита қатнашадиганларга ҳам бўлиш мумкин. Масалан, ер, сув, ўғит, уруғлик, ем-хашак, ер ҳайдайдиган, ишлов берадиган тракторлар қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда бевосита қатнашади. Чунки улар маҳсулот етиштириш ҳажмига, сифатига бевосита таъсир этади.

Хўжаликларнинг маъмурий, маданий ва бошқа бинолари, дала шийпонлари, омборхоналар, хизмат кўрсатувчи техникалар, компьютерлар ва воситалар ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажмига, уларнинг ҳажмига билвосита таъсир этади. Лекин уларнинг маҳсулотларни ишлаб чиқаришдаги умумий аҳамиятини инкор этиш мақсадга мувофиқ эмас. Улар иқтисодий моҳиятига, яъни шакллантирилиши, маҳсулот ишлаб чиқариш, иш бажариш жараёнида қатнашишига кўра, асосий ҳамда айланма фондларга бўлинади. Улар натурал ҳолда кўриниши ва қатнашиши бўйича асосий ва айланма воситалар, умумий ҳолда ишлаб чиқариш воситалари деб ҳам аталади.

Асосий воситалар иқтисодий моҳиятига кўра, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш жараёнида бир неча йиллар давомида қатнашиб, қийматини ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга, бажарилаётган хизматларга йилма-йил қисман

ўтказиб боради (яъни эскириш қийматини). Уларга қишлоқ хўжалик ерлари, машиналар, тракторлар, бинолар, иншоотлар, транспорт воситалари, қурилмалар, станоклар, ишчи, маҳсулдор ҳайвонлар, кўп йиллик мевали дарахтлар ва бошқалар киради.

Айланма фондлар ёки воситаларга, маблағларга эса маҳсулот ишлаб чиқариш, хизматларни бажариш жараёнларида бир марта қатнашиб, қийматларини шу маҳсулотларга тўлиқ ўтказиб, ўз шакллариини ҳам ўзгартирадиган арзон, тез тўзувчи воситалар киради. Уларга уруғликлар, ёкилғи, ёнилғи, ёғловчи материаллар, кимёвий воситалар, ем-хашаклар, кам қийматли, тез ўзгарувчи материаллар, жорий, валюта счётиларидаги, кассадаги маблағлар, берилган иш ҳақлари ва бошқалар киради.

Асосий ва айланма воситалар маҳсулот ишлаб чиқариб, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда бениҳоят катта аҳамият касб этади. Чунки уларсиз талабни қондирадиган миқдорда, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш мумкин эмас. Улардан оқилона фойдаланиш натижасида меҳнат ва маблағ харажатлари тежалади.

Демак, асосий ва айланма воситалардан оқилона ва самарали фойдаланиш туфайли қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ривожланади. Натижада аҳолининг ижтимоий-иқтисодий аҳволи яхшиланади. Шунинг учун бундай воситаларни яратишга, қуришга, таъмирлашга, улардан яхши фойдаланишга ҳукуматимиз алоҳида эътибор бериб келмоқда.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш фондлари (воситалари)нинг катта қисмини асосий фондлар ташкил этади. Уларга қишлоқ хўжалигида қатнашадиган барча меҳнат воситалари киради. Улар қишлоқ хўжалик корхоналарининг доимий капиталини ташкил этади.

Асосий фондларнинг алоҳида турлари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида бир хилда иштирок этишмайди. Улардан баъзилари асосий ишлаб чиқариш билан тўғридан-тўғри боғланган ва чорвачилик, ўсимликчилик маҳсулотларини кўпайтиришда асосий омил ҳисобланади. Уларга тракторлар, комбайнлар, юк машиналари, қишлоқ хўжалиги

машиналари, техникалари ва ҳоказолар киради. Бошқа асосий фондлар қурилиш. Савдо ва қишлоқ хўжалик корхоналаридаги умумий овқатланишга ва бошқаларга йўналтирилган. Шунинг учун асосий фондлар (воситалар) қишлоқ хўжалигида бевосита қатнашувчи ва қишлоқ хўжалигида қатнашмайдиганларга бўлинади.

Тармоқда маҳсулот ишлаб чиқаришда асосий роль қишлоқ хўжалигида қатнашувчи фондларга тегишлидир, чунки улар асосий ишлаб чиқариш фондининг 80 фоизини ташкил қилади.

Асосий фондлар (воситалар) дан фойдаланиш даражаси ҳамда самарадорлигини аниқлашда бир қанча кўрсаткичлардан, жумладан, асосий воситалардан фойдаланиш даражасини исботловчи натурал кўрсаткичлардан фойдаланилади. Асосий воситаларнинг самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар ҳақида юқорида тўхталиб ўтган эдик. Шу асосда қишлоқ хўжалик корхоналарида мавжуд асосий воситалардан фойдаланишнинг ҳолатини таҳлил қилиш зарурдир.

Қишлоқ хўжалиги фондларининг муҳим қисмини асосий фондлари билан бир қаторда айланма фондлар ҳам ташкил қилади. Айланма фондлар ишлаб чиқариш ва реализация жараёнининг тўхтамай амалга ошишини таъминлаб туради. Уларнинг натура ҳолидаги кўриниши айланма воситалар дейилса, пул (қиймат) шаклидаги кўриниши айланма фондлар маблағлар, деб аталади. Асосий фондлардан фойдаланиш даражаси хўжалик, унинг ишчи ва хизматчилари фондлар билан таъминланганлигига ҳамда меҳнатнинг қуролланганлигига боғлиқ. Шундай экан, хўжаликда бу кўрсаткичларни аниқлаш мақсадга мувофиқдир.

Айланма фондларга (воситаларга) ишлаб чиқариш жараёнида ишлатиладиган меҳнат воситалари ва моддий неъматларнинг айримлари киради. Айланма воситалар, маблағлар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш жараёнида қатнашиб, бир шаклдан иккинчи шаклга айланиб туради.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши мавсумий бўлганлиги учун, айланма фондларнинг сарфланиши, таркиби йил давомида ўзгариб туради.

Масалан, қишда айланма фондларнинг кўп қисми уруғ озуда, ёзда эса фондларнинг аксарият қисми нефть маҳсулотлари, машина эҳтиёт қисмлари, тугалланмаган ишлаб чиқариш билан банд бўлади.

Айланма фондларининг айланиши ўзида уч босқични мужассамлаштиради: таъминот, ишлаб чиқариш ва реализация (сотиш). Айланма фондлар (воситалар)дан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашда юқорида таъкидлаб ўтилганидек, бир қанча кўрсаткичлардан фойдаланилади. Ушбу кўрсаткичлар орқали корхонанинг айланма маблағаридан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини таҳлил қилиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Фермер хўжаликларида асосий фондларнинг асосини мавжуд қишлоқ хўжалик техникалари ташкил қилади. Фермер хўжаликларининг мазкур техникалар билан таъминланганлиги тармоқда бевосита меҳнат унумдорлигининг ўсишига олиб келади. Шунинг учун, фермер хўжаликларини замонавий техникалар билан таъминлаш зарур.

Қишлоқ хўжалигида моддий ресурсларнинг ўсиб бориши, унинг таркиби, тузилишининг яхшилаб бориш ҳамда улардан самарали, оқилона фойдаланиш ишлаб чиқариш самарадорлигининг ошиши имконини беради.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлиги уларнинг асосий ишлаб чиқариш воситалари билан таъминланганлиги даражасига боғлиқ. Асосий воситалар билан етарли даражада таъминланмаслик маҳсулот миқдори ва меҳнат унумдорлигининг секин ўсишига ҳамда маҳсулот таннархининг ошишига, такрор ишлаб чиқариш манбаларининг камайишига олиб келади. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини асосий ишлаб чиқариш воситалар билан таъминланганлигининг абсолют кўрсаткичи сифатида фондлар билан таъминланиш коэффициентидан фойдаланиш мумкин. Бу кўрсаткич мавжуд меҳнат воситаларини уларнинг норматив истеъмолига нисбатан топилади.

1. Фондлар билан таъминланиш коэффициенти:

$$\text{Коэфф.ФТ} = \frac{AB_x}{AB_n}$$

AB_x - ҳақиқатда мавжуд асосий воситалар;

AB_n - асосий воситаларга бўлган норматив эҳтиёж.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини асосий воситалар билан таъминланишини салмоқли кўрсаткичлари бўлиб ишлаб чиқаришнинг фондлар билан тўйиниш ва меҳнатнинг фондлар билан қуролланиш даражалари ҳисобланилади:

2. Ишлаб чиқаришнинг фондлар билан тўйиниши кўрсаткичи:

$$\text{Ф.тўйиниш} = \frac{AB}{100 \text{ га к/я ер}} ; \frac{AB}{100 \text{ сўм қорамолга}}$$

3. Фондлар билан қуролланиш кўрсаткичи:

$$\text{Ф. қурол.} = \frac{AB}{XC}$$

XC - ходимлар сони.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг асосий воситалар билан таъминланишини салмоқли кўрсаткичларига яна ишлаб чиқаришнинг энергия билан тўйиниши ва меҳнатнинг энергия билан қуролланиши киради.

4. Энергия билан тўйиниш кўрсаткичи:

$$\text{Эн.тўйиниш} = \frac{Эн.К}{100 \text{ га ҳай. ерга}}$$

$Эн.К$ – энергетик установкаларнинг қуввати

5. Энергия билан қуроланиш даражаси, от кучи:

$$\text{Эн.қуроллан.} = \frac{Эн.К}{\text{от кучи}}$$

ХС

Эн.Қ – энергетик қувватлар

ХС – ходимлар с

6. Электр билан тўйиниш кўрсаткичи:

Эл.Эн. кВт/соат

Эл.тўйиниш = -----

100 га к/я

7. Электр билан қуролланиш кўрсаткичи.

Эл.Эн. кВт/соат

Эл.қуроллан. = -----

ХС

8. Асосий воситаларининг ўсиш коэффициенти:

АВДҚ

КАВў = -----

АВЙБК

КАВў - асосий воситаларнинг ўсиш коэффициенти

АВДҚ - асосий воситаларнинг дастлабки қиймати.

АВЙБК - асосий воситаларнинг йил бошидаги қиймати.

9. Асосий воситаларнинг сафдан чиқиш коэффициенти:

СЧАВДҚ

КАВСЧ = -----

АВЙБК

КАВСЧ – асосий воситаларнинг сафдан чиқиш коэффициенти

СЧАВДҚ – сафдан чиққан асосий воситаларнинг дастлабки қиймати

10. Асосий воститаларнинг янгиланиш коэффициенти:

ЙДҚҚАВ

КАВЯ = -----

ЙОАВДҚ

КАВЯ – асосий воситаларнинг янгиланиш коэффициенти
 ЙДҚҚАВ- йил давомида қабул қилинган асосий воситалар
 ЙОАВДҚ- йил охирида асосий воситаларнинг дастлабки қиймати

11. Фонд қайтими:

$$\text{Фқ} = \frac{\text{СМ}}{\text{Фқий.}}$$

12. Фонд сиғими:

$$\text{Фс} = \frac{\text{Фқий.}}{\text{СМ}}$$

СМ – соф маҳсулот

Фқий. – фонд қиймати

Ишлаб чиқариш асосий фондларидан фойдаланишнинг самарадорлиги омиллари қуйидагилар:

1. Ходимларнинг моддий манфаатдорлиги.
2. Асосий воситалар билан таъминланиш.
3. Асосий воситалар структураси.
4. Асосий ва моддий айланма воситалари ўртасидаги нисбат.
5. Меҳнатни ташкил қилиш, технология.
6. Илғор технологиядан фойдаланиш.

Юқорида кўрсатилиб ўтилган кўрсаткичлардан фойдаланилган ҳолда Оқдарё туман фермер хўжаликларининг фонд билан таъминланиши ва меҳнатнинг фондлар билан қуролланишининг ўзгариши тахлили 5 - жадвалда кўрстиб ўтилган.

Оқдарё тумани фермер хўжаликларида асосий фондлар қийматининг 2012 йил 2010 йилга нисбатан ўзгаришини 2.3.1-жадвалда кўришимиз мумкин.

2.3.1-жадвал

Оқдарё тумани фермер хўжаликларида асосий фондлар қийматининг ўзгариши

т / р	Кўрсаткичлар	2010 йил		2011 йил		2012 йил		2012 йил 2010 йилга нисбатан ўзгариши, %	
		Қийм ати, млн сўм	Улу ши, %	Қийма ти, млн сўм	Улу ши, %	Қийм ати, млн сўм	Улу ши, %	Қийм ати, млн сўм	Улу ши, %
1	Бинолар	1436,9	34,5	1503,6	34,6	1602,7	35,6	165,7	1,1
2	Иншоотлар	362,4	8,7	373,7	8,6	387,2	8,6	24,8	-0,1
3	Ўзатиш қурилмалари	62,5	1,5	60,8	1,4	72,0	1,6	9,6	0,1
4	Транспорт воситалари	703,9	16,9	725,7	16,7	742,8	16,5	38,9	-0,4
5	Машина ва ускуналар	458,2	11,0	486,7	11,2	459,2	10,2	1,0	-0,8
6	Кўп йиллик дарахатлар	1003,8	24,1	1051,6	24,2	1093,9	24,3	90,2	0,2
7	Ҳисоблаш техникаси	4,2	0,1	8,7	0,2	9,0	0,2	4,8	0,1
8	Бошқа асосий воситалар	133,3	3,2	134,7	3,1	135,1	3,0	1,8	-0,2
	Жами	4165,0	100	4345,7	100	4501,8	100	336,8	
а	Ишлаб чиқариш	4094,2	98,3	4267,4	98,2	4420,8	98,2	326,6	-0,1
б	Ноишлаб чиқариш	70,8	1,7	78,2	1,8	81,0	1,8	10,2	0,1

Манба: Оқдарё тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими 2010-2012 йил маълумотлари

Тумани фермер хўжаликларида 2010 йилда жами асосий фондлар қиймати 4165, млн.сўмни ташкил қилган бўлса, шундан бинолар 1436,9 млн.сўм ёки 34,5 фоизни, иншоотлар 362,4 млн.сўм ёки 8,7 фоизни, ўзатиш мосламалари 62,5 млн.сўм ёки 1,5 фоизни, машина ва ускуналар 458,2 млн.сўм ёки 11,0 фоизни, кўп йиллик дарахатлар 1003,8 млн.сўм ёки 24,1 фоизни, компьютер ва ҳисоблаш техникалари 4,2 млн.сўм ёки 0,1 фоизни, транспорт воситалари 702,5 млн. сўм ёки 9,3 фоизни ва бошқа асосий воситалар 133,3 млн.сўм ёки 3,2 фоизни ташкил қилган. 2012 йилда эса жами

асосий фондлар қиймати 4501,8 млн.сўмни ташкил қилган бўлса, шундан бинолар 1602,7 млн.сўм ёки 35,6 фоизни, иншоотлар 387,0 млн.сўм ёки 8,6 фоизни, узатиш мосламалари 72,0 млн.сўм ёки 1,6 фоизни, машина ва ускуналар 459,2 млн.сўм ёки 10,2 фоизни, компьютер ва ҳисоблаш техникалари 9,0 млн.сўм ёки 0,2 фоизни, транспорт воситалари 742,8 млн.сўм ёки 16,5 фоизни, қўп йиллик усимликлар 1093,9 млн.сўм ёки 24,3 фоизни ва бошқа асосий воситалар 135,1 млн.сўм ёки 3,0 фоизни ташкил қилган.

3. ПАХТАЧИЛИКДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ

3.1. Иқтисодий самарадорлик тушунчаси, мезони, кўрсаткичлари ва уларнинг ҳисоблаш усуллари

Кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги умумий кўринишда ишлаб чиқаришнинг натижаси, жонли ва буюмлашган меҳнат харажатлари ўртасидаги нисбат билан ифодаланади. Кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлигини оширишнинг объектив зарурлиги мамлакат иқтисодий ривожланишининг ҳозирги этапдаги бир катор хусусиятлари ва доимий ҳаракатдаги омилларнинг йиғиндисига боғлиқ. Бир томонда кишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш озик-овқат ва хом ашёга бўлган талабнинг ўсиб бориши ва кийинлашиши, маҳсулот сифатига бўлган талабнинг кучайиши, баъзи ишлаб чиқариш ресурсларининг чегараланганлиги, ишлаб чиқариш воситалари кийматининг ўзгариши ва бошқаларни кўрсатиб туради.

Бошқа томондан, ҳозирги этапдаги жамиятнинг ривожланиши кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлигини ошириш имкониятини кенгайтиради.

Мамлакатда тўпланган иқтисодий потенциал, фан ва техниканинг ривожланиши, малакали кадрлар, омманинг активлиги, уларнинг тажрибаси, шунингдек юкори пировард натижаларга омманинг моддий кизикишининг ўсиши ўсимчилик ва чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга шароит яратади, таннархни пасайтиради ва рентабелликни ошириш имкониятларидан оқилона фойдаланишга имкон беради.

Кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги ҳақида масала кўрилганда, «Самара» ва «Самарадорлик» - тушунчаларининг бир хил эмаслигини кўзда тутиш керак. «Самара» термини қандайдир жараённинг натижасини билдиради. Умумий кўринишда ҳар қандай ишлаб чиқаришнинг самараси шаклида унинг вазифаси – ишлаб чиқаришнинг максadini амалга оширувчи пировард маҳсулот юзага чиқади. Бир томондан, у ўз таркибига маълум даврдаги ҳаракатдаги ишлаб чиқариш ресурсларининг

моддий натижаси йиғиндисини олади, бошқа томондан – ишлаб чиқаришнинг пировард мақсади фақат бевосита ишлаб чиқарилган моддий бойликларнинг ҳажмида мужассамлашган бўлади.

«Самара» - кишлоқ хўжалик маҳсулотлари шаклида(натура ва пулда) ишлаб чиқариш ресурси, харажат, фойда сферасида эса иқтисодий, шунингдек ходимларнинг яшаш ва ишлаш шароитини ҳам акс эттирувчи социал ўсиш бўлиши мумкин.

Лекин самара канчалик муҳим бўлса ҳам, ўз-ўзидан кишининг меҳнат фаолиятини тўлиқ характерламайди, кандай ресурс(харажатлар)лар эвазига олинганлигини кўрсатмайди. Бир хил самара турли усул билан, ресурслардан турлича даражада фойдаланиш орқали олинган бўлиши мумкин ва аксинча, бир хил ресурс(харажат)лар турли самара бериши мумкин. Шунинг учун эришилган самарани шу самарани олишда катнашган ресурслар(харажатлар) билан таққослаш зарурияти келиб чиқади.

Бундан кўринадики, самара(натижа) деб аталган абсолют миқдор билан бир каторда яна бир абсолют миқдор – қўлланилган ёки истеъмол қилинган ресурсларни(жорий ишлаб чиқариш харажатлари) ҳажмини билиш зарур.

Ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги иқтисодий самаранинг (натижанинг) ресурсларга(харажатларга) нисбати ёки аксинча усул билан аникланади:

$$IS = \frac{C(n)}{P(x)} ; \frac{P(x)}{C(n)}$$

Иқтисодий самарадорлик даражаси кандай баҳодаги ресурслар ҳисобига иқтисодий самарага эришилганлигини билдиради. Самара канча катта ва харажат шунча кичкина бўлса, ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлиги шунча катта бўлади ва аксинча. Ресурслар ва иқтисодий самарадорлик ўртасида маълум бир алоқа мавжуд. Харажатлар икки хил бўлиши мумкин: жонли ва буюмлашган. Жонли меҳнат, асосий ва моддий

айланма воситаларнинг абсалют миқдори ресурслар (харажатлар) сифатида, улар миқдорининг камайиши ва уларни тежаш – иқтисодий самара шаклида кўринади.

Кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги моҳияти, унинг критерияси ва кўрсаткичлари орқали амалга ошади.

Мезоннинг илмий тушунчаси маълум бир белги, баҳо ўлчовини ифодаладиган асосий сифати унинг муҳим хоссасидир. Кишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги мезони жамиятга керак бўлган ер майдони бирлигидан чиқадиган кишлоқ хўжалик маҳсулотининг олинishi шу билан бир каторда ишлаб чиқаришнинг тежамлилиги ва юқори сифатини таъминлашдир.

Кўрсатилган мезон кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг максадига – тармок маҳсулотига аҳолининг ўсиб бораётган талабини тўлароқ қондиришга жавоб беради ва унинг ютуқлари йўлини – ишлаб чиқариш ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва интенсивлаштириш асосида системали равишда ишлаб чиқаришни пасайтиришни аниқлаб беради. Шу билан бирга бу мезонда кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусияти энг аввало ер ресурслари билан мустаҳкам алоқасини акс эттиради.

Кишлоқ хўжалигида самара ва ресурсларнинг босқич даражасига қараб, ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидаги турларга бўлинади: халқ хўжалиги, тармок, кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш самарадорлиги, давлат, кооператив қорхоналар, ижара коллективлари, деҳқон хўжаликлари самарадорлиги, айрим кишлоқ хўжалик тармоклари ва маҳсулотлари самарадорлиги, алоҳида ишлаб чиқариш ресурслари, шунингдек алоҳида хўжалик тадбирлари агротехник, зоотехник, ветеринария, техника, иқтисодий ташкилий муносабатлар ва бошқаларнинг самарадорлиги аниқланади.

Давлат ва кооператив қорхоналар, ижара жамоалари, деҳқон хўжалиги ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги тармок самарадорлиги бўлиб

ҳисобланади. Кишлоқ хўжалиги тармоклари ва алоҳида маҳсулот турларини ишлаб чиқариш самардорлиги деҳқончилик, чорвачилик ва шу тармоқлар маҳсулотлари – ғалла, пахта, картошка, сабзавот, гўшт, сут, тухум ва бошқаларнинг пировард иқтисодий натижаларини характерлайди.

Янги шароитда, ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш жараёнида амалга ошириладиган турли хўжалик тадбирларининг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш анча муҳим ҳисобланади. Бундай тадбирлар жумласига экин майдонларининг турли таркиби, кишлоқ хўжалигининг янги навлари, илғор технология ва алоҳида агротехник тадбирлар (тупрокни ишлаш, экиш, ҳосилни йиғиш ва бошқа усуллар), ҳайвонларнинг янги зоти, пода структураси, озиклантириш рациона ва бошқаларнинг самарадорлиги киради.

Кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришда иқтисодий самарадорликни аниқлашда объектив иқтисодий конунларни моддий ишлаб чиқаришнинг шу тармоғида кўриниш шакллари ифодаладиган кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш тавсия этилади. Иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлар тизимининг амалий аҳамияти, ишлаб чиқариш ресурслар самарадорлигини умумлашган ҳолда акс эттиришдан, унинг мезонининг мутлоқ ва нисбий кўрсаткичларини ҳисоблаш усулларида фойдаланишни тақозо этади.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини баҳолаш учун фойдаланиладиган кўрсаткичлар тизимига асослаш, турли характерда иқтисодий самарани ўлчаш ҳамда турли характердаги ресурслар ва харажатларни ўлчаш сифатида ҳам зарурдир. Улар ўзининг иқтисодий табиати билан ҳам ва ҳар доим ҳам таққослаб бўлмаслиги билан ҳам фарк қилади. Кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичлари хусусий ва умумлаштирувчи кўрсаткичларга бўлинади. Хусусий кўрсаткичларга, маҳсулот ҳажми ва маҳсулот сифати, меҳнат унумдорлиги, ер қайтими, фонд қайтими, материал қайтими, маҳсулот таннархи ва шуларга тесқари кўрсаткичлар киради. Бу кўрсаткичлар натижа сифатида, саноатнинг хом-ашёга, аҳолининг озик-овқатга бўлган эҳтиёжини

анча тўларок кондиришга йўналтирилган кишлок хўжалиги ишлаб чиқаришининг мақсадини анча тўларок акс эттиради. Шунини таъкидлаш лозимки, умумий самара фақат ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг миқдори билан эмас, балки қўйилган мақсадга боғлиқ ҳолда, бошқа ҳажм кўрсаткичларга ҳам эга. Масалан: ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш самарасини бош вазифа-истеъмол қиймат яратиш нуктаи назардан; товар маҳсулот-кишлок хўжалик маҳсулотларига ижтимоий эҳтиёжни кондириш нуктаи назаридан; соф маҳсулот(ялпи даромад) - такрор ишлаб чиқаришнинг икки томони – истеъмол ва жамғариш - бирлигида ишлаб чиқариш самарадорлигини ҳисоблаш учун; фойда ва соф даромад - ишлаб чиқариш самарадорлигини ишлаб чиқарувчиларнинг истеъмол қийматга бўлган манфаатини кондириш нуктаи назаридан характерланади.

Шу билан бирга, кишиларнинг истеъмолини кондириш даражаси ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг фақат миқдorigа эмас, балки сифатига ҳам боғлиқ. Маҳсулот сифатини яхшилаш бир томондан озик-овқат маҳсулотлари миқдорининг кўпайганлигини билдирса, енгил саноат учун кишлок хўжалик хом-ашёсининг сифатининг яхшиланиши аҳолининг кенг истеъмол буюмларига бўлган талабини тўларок кондиришга имконият яратади.

Меҳнат унумдорлиги ёки меҳнат қайтими маълум вақт бирлиги ичида ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдorigа сарфланган жами меҳнат харажатларининг самарадорлигини характерлайди. Ер қайтими кишлок хўжалигида бош ишлаб чиқариш воситаси ҳисобланган ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини акс эттиради. Фонд қайтими кишлок хўжалигига таалукли асосий ишлаб чиқариш воситаларида мужассамлашган, буюмлашган меҳнат харажатлардан қай даражада самарали фойдаланаётганлигини кўрсатади. Материал қайтими барча турдаги моддий ресурслардан, шу жумладан буюмлашган меҳнат харажатларидан фойдаланиш самарадорлигини акс эттиради. Маҳсулот бирлиги таннарни умумлашган ҳолатда жами истеъмол қилинган ишлаб чиқариш

ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини характерлайди, кишлок хўжалиги маҳсулоти кандай даражадаги харажатлар ҳисобига ишлаб чиқарилганлигини кўрсатади.

Алоҳида ресурслар ва харажатлардан фойдаланишни характерлайдиган бу кўрсаткичлар кишлок хўжалиги ишлаб чиқариши абсалют самарадорлигининг асосий кўрсаткичлари. Масалан: асосий фонд кайтимида, алоҳида трактор, комбайн, маҳсулдор ҳайвонлар ва бошқа; айланма фонд кайтимида, алоҳида уруғдан фойдаланиш, ем-хашак, ёкилғи-мойлаш материалларидан фойдаланиш бўйича ҳам ўрганилади. Демак, кишлок хўжалик ишлаб чиқариш иктисодий самарадорлик кўрсаткичлари бир томондан ишлаб чиқариш ресурслари ва самара(натижа) ўртасидаги нисбатни ва бошқа томондан, жорий ишлаб чиқариш харажатлари билан самара ўртасидаги нисбат ифодалайди, бу ишлаб чиқариш самарадорлигининг иккита концепциясини – ресурс ва харажат - вужудга келтиради. Ресурс концепцияси - такрор ишлаб чиқариш жараёнида қўлланилган ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини, харажатлар концепцияси - шу ресурсларнинг истеъмол қилинган қисми самарадорлигини баҳолашга имкон беради. Мақсадга қараб ресурс ёки харажатлар концепцияси ёки икковидан ҳам бир вақтда фойдаланилиниш мумкин.

Қабул қилинган самарадорликни концепциясиларига мос равишда кўрсаткичлари ҳам аниқланади:

1 та ходимга, 1 киши/соатига, 1 га кишлок хўжалик ярокли ерга, 100 сўмлик асосий воситага, 100 сўмлик оборот воситаларига тўғри келган самара қўлланилган ресурслардан фойдаланишни самарадорлигини характерлайди. 100 сўм иш ҳақиға, амортизация ажратмасига, моддий айланув воситаларига ҳамда маҳсулот таннархига тўғри келган маҳсулот таннархга қиритилган барча бевосита ва билвосита харажатлари самарадорлигини ифодалайди.

Келтирилган хусусий кўрсаткичлар, маълумки умумий самара (натижани)ни алоҳида ишлаб чиқариш ресурслари харажат тури микдорига нисбатини аниқлайди. Лекин ишлаб чиқариш жараёнида умумий самара (натижа)нинг вужудга келишида алоҳида ресурс(харажат)лар катнашади. Демак, ҳар бир ресурс (харажат) умумий самара (натижа)нинг вужудга келишида иштирок этади. Бу услубий жиҳатдан маълум даражада хато бўлса ҳам, умумий самара ана шу ишлаб чиқариш ресурсларининг биргаликдаги фаолиятининг натижасидир. Шунинг учун ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ҳар томонлама ва аниқ баҳолаш учун, алоҳида усулда ҳисобланадиган кўрсаткичларни, ҳар бир ишлаб чиқариш ресурсининг умумий самарани яратишдаги ролини ва уларнинг ишлаб чиқариш пировард натижасига таъсирини ҳисобга оладиган кўрсаткичлар билан тўлдириш лозим. Бунинг учун эластиклик, детерминация коэффицентларидан, шунингдек, иктисодий-математик моделидан фойдаланиш керак бўлади.

Ҳисоблаш ҳар канча мураккаб бўлса ҳам, битта умумлаштирувчи шундай кўрсаткич керакки, у кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг иктисодий самарадорлигини микдорий жиҳатдан тўлиқ баҳолайдиган бўлиши керак. Бу вазифани бажариш учун умумлаштирувчи кўрсаткич маълум бир қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

1. У ижтимоий ривожланишнинг иктисодий қонунларидан келиб чиқиши керак;
2. У ишлаб чиқаришнинг пировард натижасини жами ресурслар ёки жами харажатлар билан таққослашни таъминлайдиган кўп факторли бўлиши керак;
3. Бу кўрсаткич самарадорликни кишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг турли даражаларида, ижара коллективларидан бошлаб бир бутун кишлоқ хўжалиги бўйича очиқ беришиш керак;
4. Бу кўрсаткич билан ҳисоблаш методик нуқтаи назаридан оддий ва қулай бўлиши керак.

Юкорида баён килинган, ишлаб чиқариш самара (натижа)си ва ишлаб чиқариш ресурс (харажат)лари тўғрисидаги асосий методологик шароитларга мос, шунингдек кишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши иқтисодий самарадорлигининг умумлаштирувчи кўрсаткичга бўлган талабни ҳисобга оладиган кўрсаткич ресурс кайтими (ресурс сиғими) ҳисобланади.

3.2. Пахтачиликда маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлигининг ҳозирги ҳолати таҳлили

Иқтисод фанларида «самарадорлик» ва «иқтисодий самарадорлик» тушунчалари мавжуд. Улар мамлакат, тармоқ, корхона, йўналишлар ҳамда айрим маҳсулотлар бўйича аниқланиши мумкин. «Иқтисодий самарадорлик» тушунчаси «самарадорлик» тушунчасига нисбатан кенгроқ мазмунга эга. Иқтисодий самарадорлик деганда бир йил давомида (маълум даврда) амалга оширилган тадбирлар тизими билан боғлиқ бўлган харажатлар улар натижасида олинган соф фойда суммаси билан таққосланади. Шунда сарфланган харажатлар эвазига олинган соф фойда суммаси қанча кўп бўлса, иқтисодий самарадорлик даражаси шунча ошган ҳисобланади ва аксинча. Самарадорликни эса у ёки бу тадбирларни, ишларни маҳсулотларни етиштириш натижасида эришилган ютуқлар ифодалайди. Масалан, маҳаллий ва минерал ўғитлардан, ем-хашаклардан фойдаланиш натижасида ҳосилдорликнинг ошиши ва бошқалар. Демак, «самарадорлик» ҳамда «иқтисодий самарадорлик» категориялари бир-бирлари билан боғлиқ бўлган энг муҳим кўрсаткичлар ҳисобланади. Уларни юксалтириш учун корхоналар барча масалаларни ижобий ҳал этишлари лозим. Корхоналар фаолиятининг самарадорлиги ошса, мамлакатимизнинг иқтисодиёти, халқимизнинг турмуш даражаси юксалади.

Кишлоқ хўжалик корхоналарининг пул ва ялпи даромадлари, ялпи ҳамда соф фойда суммаларини, ишлаб чиқариш фаолиятининг рентабеллигини аниқлаш алоҳида аҳамият касб этади. Чунки шу кўрсаткичлар ёрдамида корхоналар фаолияти молиявий таҳлил қилинади. Улар билан мамлакат ҳамда корхона иқтисоди бевосита боғлиқ. Уларни

аниқлашда бир қанча маълумотлардан фойдаланилади. Корхонанинг маълум бир даврдаги пул даромади (тушумлари) жами сотилган маҳсулотлар, хизматлар миқдорини уларнинг ҳақиқий баҳоларига кўпайтириш натижасида аниқланади. Унда ушбу формуладан фойдаланиш мумкин:

$$Пд = C_m \times M_b$$

Бунда: Пд – пул даромади (сўмда);

C_м – сотилган маҳсулотлар, хизматлар миқдори (тонна, цент.);

M_б – сотилган маҳсулотларнинг, қилинган хизматларнинг баҳолари, тарифлари.

Корхонанинг ялпи даромади ёки янгитдан яратилган қиймат суммасини ялпи маҳсулот қийматидан ишлатилган асосий воситаларнинг эскирган қийматини, яъни амортизация суммасини (C) айириш натижасида аниқлаш мумкин. Унинг формуласи қуйидагича:

$$(C + V + m) - C = V + m$$

Бунда: C – асосий воситаларнинг амортизацияси суммаси, сўмда;

V – иш ҳақи фонди, сўмда;

m - қўшимча қиймат, сумда.

Корхонанинг ялпи фойдаси маҳсулот сотиш(хизмат кўрсатиш)дан тушган пул даромадалридан шу маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун сарфланган харажатларни айириш натижасида аниқланади. Уни қуйидаги формула ёрдамида аниқлаш мумкин:

$$Яф = C_d - C_t$$

Бунда: Яф – ялпи фойда, сўмда;

C_д – маҳсулот сотишдан, иш, хизмат кўрсатишдан тушган пул, сўмда;

C_т – сотилган маҳсулот учун сарфланган ишлаб чиқариш харажатлари, сўмда.

Корхонанинг соф фойдаси ялпи фойда суммасидан давр харажатлари, кўзда тутилмаган харажатлар, молиявий харажатлар суммасини айириш натижасида аниқланади. Буни ушбу тенглик ёрдамида аниқлаш мумкин:

$$C\phi = Я\phi - (Дх + Мх + Кх)$$

Бунда: Сф – соф фойда суммаси;

Дх – давр харажатлари, сўмда;

Мх – молиявий харажатлар суммаси, сўмда;

Кх – кўзда тутилмаган тасодифий харажатлар, сўмда.

Корхона ишлаб чиқариш жараёнининг иқтисодий самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткич рентабеллик ҳисобланади. Унинг даражасини аниқлаш учун соф фойда суммасини таннарх ёки ишлаб чиқариш харажатлари суммасига тақсимлаб, 100% га кўпайтирилади. Унинг тенглиги қуйидагича:

$$P\partial = \frac{C\phi}{Cm} \times 100\%, \text{ Бунда: } P\partial - \text{рентабеллик даражаси, фоизда.}$$

Бу кўрсаткич ёрдамида корхона, тармоқ миқёсида алоҳида маҳсулотларни етиштириш учун қилинган ишлаб чиқариш харажатларининг иқтисодий самарадорлик даражаси аниқланади. Шу усул ёрдамида 1 сўмлик ишлаб чиқариш харажатлари эвазига олинган соф фойда суммаси аниқланади. Бунинг учун олинган соф фойда суммаси ишлаб чиқариш харажатларига тақсимланиши лозим. Бу кўрсаткичлар даражаси қанчалик юқори бўлса, бу иқтисодий самарадорлик даражаси ҳам юқори, яъни яхши эканлигидан далолат беради.

. Оқдарё тумани фермер хўжаликларининг асосий иқтисодий кўрсаткичларини 3.2.1–жадвал маълумотларини таҳлил этиш натижаларидан кўришимиз лозим.

3.2.1-жадвал

Оқдарё тумани фермер хўжаликларида асосий иқтисодий кўрсаткичларининг ўзгариши

т/р	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2012 йил 2010 йилга нисбатан ўзгариши, %
1	Жами экин майдони	га	20918,2	21054,5	23142,5	110,6
2	Фермер хўжалиklar сони	дона	1125	924	871	77,4
3	Асосий тур маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми:					
	ғалла	ц	564927	501534	595095	105,3
	пахта	ц	197976	215809,6	221430	111,8
	сабзавот	ц	528999,9	387453	542087,5	102,5
	полиз	ц	1380	2550	2480	179,7
	мева	ц	136395,9	108548,1	97831,8	71,7
	картошка	ц	24095	24096	23952	99,4
	узум	ц	8672,8	20453,6	21548,8	248,5
4	Меҳнат ресурслари сони	киши	46005	46345	46455	101,0
5	Асосий фондлар қиймати	млн сўм	4165,0	4345,7	4501,8	108,1
6	Жами харажатлар	млн сўм	24062,0	25050,1	32887,0	136,7
7	Фойда	млн сўм	3453,0	5410,9	9355,0	2,7ошган мартга
8	Рентабеллик, %	%	14,4	21,6	28,4	14,1 пунктга ошган

Манба: Оқдарё тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими маълумотлари

Туман қишлоқ хўжалигида 2010 йилда қилинган харажатлар миқдори 24062,0 млн. сўмни ташкил этган бўлса 2012 йилда бу кўрсаткич 32887,0 млн. сўмни ташкил этгани ҳолда 2012 йилда 2010 йилга нисбатан 36,7 фоизга ошган. Қилинган харажатлар эвазига эришилган фойда миқдори 3453,0 млн.

сўмни ташкил этган бўлиб 2012 йилда бу кўрсаткич 9355,0 млн. сўмни ташкил этгани ҳолда 2012 йилда 2010 йилга нисбатан 27 мартаг ошган. Бундан келиб чиқиб рентабеллик даражаси 2012 йилда 2010 йилга нисбатан 14,1 пунктга ошган.

Ушбу асосий иқтисодий кўрсаткичлар ва молиявий натижаларнинг ўзгаришини пахтачиликда 3.2.2– жадвалда кўрсатилиб ўтилган.

3.2.2-жадвал

Оқдарё тумани фермер хўжаликларида пахтачиликда асосий иқтисодий кўрсаткичини ҳолати

т/р	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2012 йил 2010 йилга нисбатан ўзгариши, %
1	Экин майдони	га	8760	8702	9150	104,5
2	Ҳосилдорлик	ц/га	22,6	24,8	24,2	107,1
3	Ялпи ҳосил	ц	197976	215809,6	221430	111,8
4	Жами харажатлар	Млн. сўм	10334,3	12689,6	17647,9	1,7 мартаг ошган
5	Фойда	млн сўм	2217,3	2978,2	863,6	38,9
6	Жами меҳнат сарфи	киши соат	569400	626544	622200	109,3
7	1 ц. маҳсулот таннари	сўм	52200,0	58800,0	79700,0	1,5 мартага ошган
8	1 ц. маҳсулот сотиш баҳоси	сўм	63400	72600	83600	131,9
9	Рентабеллик даражаси	%	21,5	23,5	4,9	-16,6 пунктга камайган

Манба: Оқдарё тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими маълумотлари

Тумандаги фермер хўжаликлари етиштирган ялпи пахта ҳосили 2012 йил 2010 йилга нисбатан -4,5 фоизга ошган, ҳосилдорлик -1,6 ц ёки 7,1 фоизга ошган, жами ишлаб чиқариш харажатлари 7313,6 млн сўмга ёки 1,7

мартага ошган ва маҳсулотни сотишдан олинган фойда 1353,7 млн. сўмга ёки 61,1 фоизга камайганган.

1 ц пахтанинг таннархи 2012 йил 2010 йилга нисбатан 1,5 мартага ошган, 1 ц. пахтанинг ўртача сотиш баҳоси 31,9 фоизга ошган. Сотилган пахта маҳсулоти рентабеллик даражаси юқоридаги маълумотлар таҳлилидан келиб чиқиб 2012 йилда 2010 йилга нисбатан 16,6 пунктга камайган.

Фермер хўжаликларида пахтачиликда маҳсулот ишлаб чиқариш фойда омиллини таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Бунда қайси омил таъсири ҳисобига фойданинг ошиши ёки камайиши билиш мумкин. Пахтачиликда маҳсулот ишлаб чиқариш фойда омиллининг таҳлили қуйи бўлимда кўрсатиб ўтганмиз

3.3. Пахтачиликда маҳсулот ишлаб чиқаришда фойданинг омилли таҳлили

Пахтачиликда маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлигига бевосита икки омил таъсир курсатади яъни пахта маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойда ва пахта маҳсулоти ишлаб чиқариш учун сарф бўлган жами ишлаб чиқариш харажатлари ёки маҳсулот таннархи таъсир қилиши мумкин. Шунинг учун бизлар биринчи галда ялпи фойдани узғаришини омилли таҳлили қиламиз.

Ялпи фойданинг узғаришига сотилган пахта микдорининг узғаришининг таъсирини аниклаш учун 2012 ва 2010 йилларида сотилган пахта микдорлари орасидаги фаркни 2010 йилида 1 ц пахтани сотишдан олинган фойда суммасига купайтирилади, яъни қуйидаги формуладан фойдаланиб аниклаш мумкин:

$$(q_1 - q_0) \times (p_0 - z_0) = \pm \Delta q$$

$$(197976-221430) \times (63400-52200) = -23454 \times 11200 = -262684,8$$

минг сўм

Демак, 2012 йилида 2010 йилига нисбатан сотилган пахта микдорининг -23454 ц.га камайган натижасида пахтани сотишдан олинган ялпи фойда суммаси 20101 йилига нисбатан -262684,6 минг сумга камайган.

Хуллас, сотилган пахта микдорининг камайиши фойда ўзгаришига салбий таъсир қилган.

Сотилган пахта микдори билан олинган фойда хажми орасида бевосита боғлиқлик мавжуд. Агарда сотилган махсулот микдори камайса, олинадиган фойда ҳам камаяди, ошса -ошади. Биз ўрганган фермер хужаликларида сотилган пахта микдорининг камайиши ҳисобига фойда сўммаси ҳам камайган.

Фойданинг узгаришига иккинчи омилнинг яъни 1 ц махсулотнинг уртача сотиш бахоси узгаришининг таъсирини аниклаш учун 2012 ва 2010 йилларидаги уртача сотиш бахолари орасидаги фаркни 2012 йилида сотилган махсулотнинг хакикий микдорига купайтирилади, яъни куйидаги формуладан фойдаланиб, аниклаш мумкин:

$$(P_1 - P_0) \times q_1 = \pm \Delta p$$

$$(83600 - 63400) \times 221430 = 20200 \times 221430 = 4472886 \text{ минг сўм}$$

Демак , 2012 йилидаги 1 ц пахтанинг ўртача сотиш бахосининг 2010йилига нисбатан 20200 минг сўмга ошган, ялпи фойда суммасини 4472886 минг сўмга ошган. Уртача сотиш бахосининг ошиши ялпи фойданинг узгаришига ижобий тасир қилган.

Демак, уртача баҳо билан фойда хажми орасида бевосита боғлиқлик мавжуд. Бахонинг ошиши ҳар доим фойданинг ошишига олиб келади, камайиши эса камайтиради.

$$(Z_1 - Z_0) \times q_1 = \pm \Delta z$$

$$(79700 - 52200) \times 22430 = - 616825 \text{ минг сум}$$

Демак, 1 ц пахта таннархи 2012 йилда 2010 йилга нисбатан 27500 сумга ошган, натижада унинг жами ишлаб чиқариш таннархи 616825 минг сумга ошган. Бу эса ўз навбатида ялпи фойдага салбий таъсир қилиб, уни шу суммага камайтирган. Шунинг учун ҳам охирги натижа минус билан курсатилади.

Сотилган маҳсулот таннархи билан фойда уртасида билвосита боғлиқлик мавжуд. Таннарх кимматлашса фойда камаяди, аксинча, таннарх арзонлашса фойда купаяди. Бизнинг мисолда 1 т. пахта таннаrxининг арзонлашуви (камайиши) умумий харажатни камайтириб, ялпи фойдани оширишга ижобий таъсир кўрсатган.

Келтирилган омиллар таъсирининг йигиндиси ялпи фойданинг умумий узгаришига тенг келиши керак. Буни куйида келтирилган 10 - жадвалдан куриш мумкин.

3.3.1-жадвал

Оқдарё тумани фермер хўжаликлари пахтачиликда фойданинг омилли таҳлили

Кўрсаткичлар	2010 йил	2012 йил	Ўзгари ши, +/-	Омилларнинг таъсири		
				маҳсулот миқдори	сотиш баҳоси	ишлаб чиқариш таннархи
Ялпи маҳсулот, ц	197976	221430	23454	x	x	x
1 ц. маҳсулот сотиш баҳоси, сўм	63400	83600	20200	x	x	x
1 ц. маҳсулот таннархи, сўм	52200	79700	27500	x	x	x
маҳсулот сотишдан олинган фойда, минг сўм	2217,3	863,6	-1353,7	-262684,8	4472886	6089325

Фойда хўжаликнинг ёки аниқ бир маҳсулотнинг провард молиявий натижасини мутлоқ кўрсаткичида ифодаласа, рентабеллик ушбу натижани нисбий кўрсаткичда ифодалайди. Самарадорликка баҳо беришдаги асосий кўрсаткич бўлиб, рентабеллик ҳисобланади.

4. ПАХТАЧИЛИКДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ИМКОНИАТЛАРИ

4.1. Пахта хом ашёси таннархи ва уни пасайтириш имкониётларидан фойдаланиш

Маълумки, 2008 йиллар охирида бошланган жахон молиявий-иқтисодий шароитида пахта хом ашёси таннаrxини пасайтириш мухим вазифа бўлиб, бу вазифани хал қилишда мавжуд ер-сув, меxнат ва моддий ресурсларни, яъни ресурслар салохиятини тугри фойдаланиш, уларни белгиланган меъёрларига катъий риоя қилиш, тежамкорликни амалда кенг куллаш мухимдир. Бозор иқтисодиёти шароитида хужаликлар махсулот ишлаб чиқариш харажатларини хисобга олиш ва махсулот таннархи калькуляциясини тугри ташкил қилишнинг ахамияти хам жуда каттадир.

Махсулот таннархи қишлоқ хужалиги ишлаб чиқариши иқтисодий самарадорлигининг мухим омили ва курсаткичи хисобланади. Хар қандай махсулот бирлигининг таннархи икки миқдор нисбатига: ишлаб чиқариш харажатлари ва махсулот сифатига боглиқ булади. Таннарх қуйидаги холларда пасайиши мумкин:

1. Агар махсулот узгармагани холда, харажат миқдори камайса.
2. Агар ялпи махсулот миқдори купайиб, харажатлар узгармаса.
3. Агар ялпи махсулотининг усиш суръати харажатлар усиш суръатидан юкори булса.

Маълумки, пахта хом-ашёсини купайтириш интенсив ва экстенсив йуллардан фойдаланиш даражасига бошлик.

Пахта хом-ашёси таннаrxини моддий-пул ресурсларидан окилона фойдаланиш хисобига хам пасайтириш лозим. Шу максадда уларнинг ташкил топиш хусусиятларини тахлил киламиз.

1 ц. махсулот таннаrxининг тахлили билан бир каторда унинг таркибий тузилишини хам тахлил этиш зарур, яъни таннарх таркибидаги хар бир модда буйича узгаришини омилли тахлил қилиш керак, шундай қилинса,

таннархни арзонлаштириш имкониятларини курсатиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш учун шароит яратилади.

Оқдарё тумани фермер хўжалигиликларида пахта таннархининг харажатлар моддалари бўйича таҳлилни 4.1.1- жадвалда кўриб чиқамиз.

Хужаликда пахта таннархининг харажатлар моддалари бўйича таҳлили (минг сум)

4.1.1-жадвал

Оқдарё тумани фермер хўжаликларида 1 ц пахта етиштириш таннархи таркибининг ўзгариши

т/р	Кўрсаткичлар	2010 йил	2012 йил	2012 йил 2010 йилга нисбатан ўзгариши, %	
		Қиймати, минг сўм	Қиймати, минг сўм	Қиймати, минг сўм	Улуши, %
1	Меҳнат ҳақи (ажратмалар билан)	18270	19087	25698	140,7
2	Ўғитлар	2456	2568	3435	139,9
3	Уруғлик	1890	2246	3078	162,9
4	СФУ	1257	1865	2461	195,8
5	Механизация хизмати	4176	4789	6654	159,3
6	Ёқилғи-мойлаш материаллари	13050	15890	19460	149,1
7	Кимёвий химоялаш	6264	7560	9320	148,8
8	Бошқа харажатлар	4837	3695	9594	198,3
	Жами	52200	57700	79700	152,7

Манба: Оқдарё тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими 2010-2012 йил маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Жадвал маълумотлари таҳлили шуни кўрсатадики 2010 йилда меҳнат ҳақи харажати 18270 сўмни ташкил этган бўлиб 2012 йилда бу кўрсаткич 25698 сўмни ташкил этгани ҳолда 2012 йилда 2010 йилга нисбатан 40,7

фоизга ошган. 2010 йилда ёқилғи мойлаш материаллари учун қилинган харажат миқдори 13050 сўмни ташкил этган бўлиб 2012 йилда бу кўрсаткич 19460 сўмни ташкил этгани ҳолда 2012 йилда 2010 йилга нисбатан 49,1 фоизга ошган. Ўсимликларни кимёвий химоялаш учун қилинган харажат миқдори 2010 йилда 6264 сўмни ташкил этган 2012 йилда бу кўрсаткич 9320 сўмни ташкил этгани ҳолда 2012 йилда 2010 йилга нисбатан 48,8 фоизга ошган. 1 центнер пахта учун қилинган жами ишлаб чиқариш харажатлари 2010 йилда 52200 сўмни ташкил этган бўлиб 2012 йилда бу кўрсаткич 79700 сўмни ташкил этгани ҳолда 2012 йилда 2010 йилга нисбатан 27500сўмга ёки 1,5 мартаг ошган.

Пахтачиликда меҳнат унумдорлигини ошириш маҳсулот сифатини яхшилаш, бинобарин, унинг сотиш баҳоларини ошириш имкониятларидан оқилона фойдаланишга боғлиқ.

Алохида маҳсулот турлари бўйича таннархни ҳисоблашда аввало асосий, туташ ёки қушимча ва ёрдамчи маҳсулотларнинг турлари бўйича миқдори аникланади. Аммо ҳар бир маҳсулот тури бўйича ишлаб чиқариш харажатларининг ҳисобини алохида ташкил қилиб бўлмайди. Шунинг учун барча турдаги маҳсулотлар уртасида ишлаб чиқариш харажатларини тақсимлаш қуйидаги усуллар ёрдамида амалга оширилади:

- 1.Харажатларни бевосита маҳсулот турларига олиб бориш;
- 2.Алохида қишлоқ хўжалик экинлари турлари маҳсулотлари бўйича, ҳайвонлар маҳсулотлари турлари учун умумий бўлган белгилари бўйича харажатлар олинадиган маҳсулот турлари учун умумий бўлган белгилардан бирининг миқдори аҳамиятига пропорционал равишда тақсимланади.
- 3.Алохида турдаги маҳсулотларни олишга кетган харажатларни эксперт йули билан баҳолаш ва уларни маълум бир курсаткичларда акс эттириш;
- 4.Маълум бир экиндан (моллар гуруҳи, тури) олинадиган маҳсулот тури бўйича харажатларни, марказлашган тартибда урнатиладиган иқтисодий жиҳатдан асосланган коэффицентларни қўллаш ёрдамида,

центнер – коэффициент ва бошқа шартли birlikларнинг миқдорига пропорционал тақсимланади. Уларни аниқлашда маҳсулот турларидан бирининг birlikига туғри келган харажат бир деб қабул қилинади, бошқа маҳсулотлар birlikига қилинган харажатлар шу birlikка нисбатан олиниб коэффициент қурилишида ифодаланади;

5.Харажатлар маҳсулотлар сотиш баҳолари бўйича аниқлангандаги маҳсулот қийматига пропорционал тақсимланади.

4.2. Пахта ҳосилдорлигини ошириш имкониятларидан фойдаланиш

Ўзбекистон мустақиллигига эришгач, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиб, барча соҳаларни ривожлантиришни амалга оширмоқда. Эндиликда пахтачилик билан бир қаторда ғаллачилик, мева – сабзавотчилик, чарвачилик каби исоҳотларни жадал ривожланиш имкониятлари яратилди.

Экин майдонларининг тизимида пахтанинг салмоғи тупроқ иқлим шароитларига қараб, 50–60 % дан ошмаслиги, қолган майдонларга эса дон, озиқабоп ем-хашак экинларини жойлаштириш лозим бўлади.

Пахтачиликни интенсив ривожлантириш, мамлакат бўйича ҳосилдорликни гектарига 30- 35 центнерга, ялпи ҳосилни 4 – 4,5 миллион тоннага кўтариш соҳанинг барқарорлигини таъминлайди.

Ўўза юқори потенциал имкониятларга эга бўлган ўсимлик бўлиб, унинг ҳосилдорлиги айрим хўжаликларда гектаридан 40 центнердан ҳам ошиқроқ бўлса, ишлаб чиқариш илғорлари 50 центнердан ҳам юқори ҳосил олмоқдалар.

Мамлакатимизда пахта ишлаб чиқариш ҳажмини оширишнинг экстенсив усулидан фойдаланиш чегараланган, одатда таннархни пасайтириш учун қулай шароит яратаолмайди ҳам.

Пахта ҳосилдорлигини ошириш, бинобарин, тола миқдорини қупайтириш ҳам алоҳида аҳамиятга эгадир. Бунинг учун эса пахта ишлаб чиқарувчилар моддий манфаатдорлигини пировард натижа билан узвий боғлаш механизмини туғри йулга қуйиш тақозо этилади. Пахта ишлаб

чиқариш соҳасида хужаликларнинг моддий-техника воситалари билан таъминланишини яхшилаш, ерлар унумдорлигини ошириш, селекция ишларини фаоллаштириш ва бошқа омилларга қаратилган чора тадбирларни амалга ошириш – пахта таннархининг пасайиши ва охир-окибатда пахта толаси сотиш самарадорлигининг янада қупайишига олиб келади.

Қишлоқ хужалиги ишлаб чиқариши самарадорлигини оширишнинг ҳал қилувчи шarti ҳар бир гектар ердан ва ҳар бир бош молдан олинадиган маҳсулотни қупайтириш ҳисобланади. Интенсивлаштириш жараёни нафақат бир гектар ерга ёки бир бош молга қушимча маблағнинг усишини билдириб қолмасдан, балки улардан самарали фойдаланишни ҳам билдиради. Қишлоқ хужалиги ишлаб чиқаришини интенсивлаштиришнинг иқтисодий самарадорлиги сарфланган харажатлар ҳажмига таққослаганда ҳар бир гектар ердан арзон ва юқори сифатли маҳсулотни юқори суръатда олишда ифодаланади.

Қишлоқ хужалигини интенсивлаштиришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш, ер, моддий техника ва меҳнат ресурсларидан фаол фойдаланиш, табиий ва иқтисодий шароитларни ҳар томонлама ҳисобга олишни талаб қилади. Назарий жиҳатдан ҳар қандай ер участкасига, ҳар қандай ҳажмда, ҳар қандай капитални қуйиш мумкин, лекин бу уз-уздан маълумки, агар шу мамлакатда шу пайтда барча шароитлар, яъни иқтисодий, техникавий, маданий ва бошқа шароитлар мавжуд бўлишига боглиқ. Қишлоқ хужалигини ривожлантиришга сарфланадиган харажатлар оқилона сарфланиши керакки, бунда хужалик ҳар бир бирлик харажатга купроқ маҳсулот ва максимум фойда олиши керак.

Тупроқни ишлашни яхшилаш, қушимча органик ва минерал угитлар солиш, мелиоратив ишларни утказиш, барча комплекс агротехник тадбирларни бажариш тупроқнинг иқтисодий унумдорлигини оширишга, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни устиришга имкон беради

Хўжалик шароитида мос келган пахта навлари ва 1-класс чигит уруғини пушта экиш, минерал ва маҳаллий ўғитларни белгиланган меъёрларда ва муддатларда ишлатиш, ғўза зараркунадаларига, айниқса, ўргамчакка, кўсак куртига қарши курашиш, суғориш сифатини кўтариш ва бошқа имкониятлардан тўлароқ фойдаланиш зарур. Натижада пахта ҳосилдорлиги ошади, меҳнат сиғими эса пасаяди.

т/р	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2012 йил 2010 йилга нисбатан ўзгариши, %
1	Экин майдони	га	8760	8702	9150	104,5
2	Ҳосилдорлик	ц/га	22,6	24,8	24,2	107,1
3	Ялпи ҳосил	ц	197976	215809,6	221430	111,8

Манба: Оқдарё тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими 2010-2012 йил маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Оқдарё туманида пахта ишлаб чиқариш учун ажратилган ер майдони 2010 йилда 8760 гектарни ташкил этган бўлиб 2012 йилда 9150 гектарни ташкил этгани ҳолда 2012 йилда 2010 йилга нисбатан 4,5 фоизга ошган. Пахтачиликда ҳосилдорлик 2010 йилда 22,6 центнер гектарни ташкил этган бўлиб 2012 йилда 24,2 центнер гектарни ташкил этгани ҳолда 2012 йилда 2010 йилга нисбатан 3,6 центнер гектарга ёки 7,1 фоизга ошган. Шундан келиб чиқиб пахтачиликда ялпи ҳосил 2010 йилда 197976 центнерни ташкил этган бўлиб 2012 йилда 221430 центнерни ташкил этгани ҳолда 2012 йилда 2010 йилга нисбатан 11,8 фоизга ошган.

4.3. Пахтачиликда меҳнат унумдорлигини ошириш имкониятлари

Пахтачиликда меҳнат унумдорлигини оширишда қуйидаги имкониятлардан тўлароқ фойдаланиш зарурияти келиб чиқади:

Қўл қуроллари ва бевосита қўлда бажариладиган ишларни машиналар ёрдамида бажаришни ташкил этиш лозим. Хўжаликларда бевосита киши-

соатида сарфланган меҳнатнинг қариб 90 фоизи қўлда ва қўл қуролилари ёрдамида бажарилган. Пахтачиликда типовой технологик карта бўйича 60 дан кўпроқ турдаги ишлар бажарилади. Улардан ер ҳайдаш ва бораналаш, ғўзани экиш, минерал ва органик ўғитларни солиш ва бошқа ишлар механизациялаштирилган. Бу жараёнларда меҳнат унумдорлиги қўлда бажарганга нисбатан 20-25 марта ошиқ.

Хўжаликларда қўйидаги ишларни механизация даражасини кўтариш ҳисобига меҳнат сиғими пасайтириб меҳнат унумдорлигини кескин ошириш мумкин:

Вўзари ягоналаш, тўлиқ кўчат бўлмаган майдонларга қўлда чигит қадаш, далаларни бегона ўтлардан тозалаш, қатор ораларини кетмон билан юмшатишга 300-350 киши-соат сарфланади. Бу ишларни бажаришда меҳнат сарфиётини кескин камайтириш ғўзани аниқ белгиланган юзага экувчи сеялкалар билан экиш юқори самара беради, юқорида кўрсатилган ишларни ҳажми қисқаради, меҳнат сарфини 2-3 марта камайтиришга шароит яратади.

Пахтачиликда ҳосилга бевосита таъсирэтувчи ва сермеҳнат жараён пахтани ривожланиш даврида суғориш ва у билан боғлиқ ишларни сифатли бажариш ҳисобланади. Вўзани ўсиш даврида 4-5 марта суғориш, ўқ-арикларни очиш ва ёпиш ишларни бажаришга 180-200 киши-соат сарфланади. Бу технологик жараёнларда меҳнат сиғимини пасайтириб меҳнат унумдорлигини ошириш ёмғирлаб ёки томчилаб сўғориш тизимини жорий этиш орқали амалга оширилиши мумкин. Бунда табиий ресурсдан яъни, сув ресурсидан ҳам самарали фойдаланиш ҳам мумкин.

Буни АҚШ, Израил ва бошқа мамлакатлар тажрибаси ҳам исботлайди. Уни жорий этишда катта миқдорда капитал қуйилмалари талаб қилади. Лекин, бу технологияни жорий қилишда фермер хўжаликларнинг молиявий имкориятлари йўқ. Истикболда уни амалга ошириш юқори самара беради. Чунки, меъёрий суғориш сув нормаси 1,5-2 марта камаяди, суғориладиган деҳқончиликни интенсив ривожлантириш даражасини кескин кўтариш учун реал шароит яратади.

Хўжаликларда ғузанинг юқорилаб ўсишини пасайтириш, ҳосилни етилишини тезлаштирилади. Бу жараёни амалга ошириш учун уни чилпиш лозим бўлади. Бу чилпиш учун 15-20 киши-соат сарфланади. Бу жараёни мавжуд механизмлар билан бажарилса меҳнат сиғими пасайиб меҳнат унумдорлиги 8-10 марта ошади, уни бажариш муддати қисқаради.

Хўжаликларда ҳар бир гектар пахта экинига бевосита сарфланган киши-соатнинг 50 фоизидан кўпроғи далани теримга тайёрлаш ва уни амалга оширишга сарфланади. Бу технологик жараён қўлда ва қўл қуроллари билан бажарилади. Пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш ишларида меҳнат унумдорлигини ошириш, даставвал, бу жараёнда мавжуд механизмлардан фойдаланишга бевосита боғлиқ.

1980-1990 йиллар давомида хўжаликларда пахта ҳосилининг 40-50 фоизини йиғиштириш пахта териш машиналари ёрдамида амалга оширилган бўлса, ҳозирги кўнда пахта теришда механизмлардан мутлоқ фойдаланилмай келмоқда.

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра пахта ҳосилини машинада териш қўл теримига нисбатан меҳнат унумдорлигини камида 4-5 марта оширади. Лекин, бу машиналарнинг баҳоси юқорилиги, амартизация ажратмаларнинг юқорилиги, ёқилғи мойлаш материаллари ҳамда эҳтиёт қисимларнинг қимматлилиги маҳсулот таннархисининг ошишига сабаб бўлади. Бунинг учун мамлакат томонидан ушбу механизмларни жорий қилиш билан боғлиқ бўлган имтиёзларни жорий қилиниши ва қўллаб-қувватлашлари лозим бўлади.

Келгусида пахта ҳосилини машиналар ёрдамида термасдан туриб тармоқда меҳнат унумдорлигини кескин ошириб бўлмайди. Ерларни келгуси йил ҳосили учун тайёрлаш ишлари кечигишига сабаб бўлади. Натижада пахта ҳосилдорлигига таъсир кўрсатма қолмайди. Бундан ташқари пахтанинг сифатига таъсир кўрсатиб уларнинг баҳоси тушиб кетади.

Демак, хўжалик шароитида пахтачиликда меҳнат сиғимини пасайтириш ёки меҳнат унумдорлигини ошириш технологик жараёнларни

механизациялаш дааражасини кўтариш билан бевосита боғлиқ. Бундан ташқари ишларни қўл қуроллари билан бажаришда прогрессив усуллардан фойдаланиш керак. Масалан: яхши пишган пахта пахта ҳосилини 3-4 марта териб олиш зарур. Биринчи теримни 35-40 фоиз ҳосил очилганда, иккинчи теримга қолган ҳосилнинг 35-40 фоизи очилганда, учунчи терим иккинчи теримдан кейиндан-кейин 10-15 кун ўтгач амалга оширилса, қўл теримида ҳам меҳнат унумдорлиги ошади, ҳосилнинг сифати бузилмайди. Ваҳоланки хўжаликда 5-6 марта қўл терми амалга оширилади.

Ўзани суғориш ишларини мутахасислар томонидан бажарилса меҳнат унумдорлиги ошади, суғориш сифати яхшиланади ва ҳосилдорлик ошади.

Меҳнат сиғимини пасайтиришда пахтачиликда гектаридан олинган ҳосил миқдори ва унинг сифатига ҳам боғлиқдир. Истиқболда пахта ҳосилини ошириш учун алмашлаб экишни яъни экинлар навбатлашувини жорий этиш зарур, фақат экинларни навбатлашуви илмий асосда ташкил этилсагина, тупроқ унумдорлигини сақланади, ерлар касаллик манбаларидан бири бегона ўтлардан тозаланади, уларга қарши кураш харажатларини камайтиришга шароит яратади. Ҳозирги кунда аксарият ҳолларда хўжаликларда ўза ва ғалла экинларини алмашлаб экиш амалга оширилмоқда. Мутахасисларнинг фикрича, бу тажриба рупроқ унумдорлигини сақлашга ёки оширишга шароит яратмайди.

Пахтачиликда меҳнат сиғимини пасайтиришда маҳсулот сифатини яхшилаш, бинобарин, унинг сотиш баҳоларини ошириш имкониятларидан оқилона фойдаланишга боғлиқдир.

Истиқболда унинг сифатини ва сотиш баҳосини янада кўтариш долзарб муаммолардан бири Уларни амалда бажарилиши пахтачиликда банд ходимларнинг меҳнат ҳақи, пенсия ва бошқа тўловларни ошириш учун шароит яратади.

Меҳнат унумдорлигини оширишда ишчи ва хизматчиларнинг мутахасислик малакасини ошириш, меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ

тўлашнинг прогрессив шаклларида фойдаланишга ҳамда моддий манфатдорликка боғлиқдир.

Хўжаликларда нисбатан юқори ҳосил олинади, кўпчилик технологик жараён механизмлар ёрдамида бажарилади. Банд ходимларни моддий манфатдорлигини ва жавобгарлигини ошириш мақсадида хўжаликда ишловчи ишчига экин майдони беркитилган. Аммо, хўжаликда меҳнат унумдорлиги бинобарин, унга ҳақ тўлаш, иш кучини такрор ишлаб чиқариш билан боғлиқ харажатларни қоплаш имконини бермайди. Мутахассисларни ҳисобига кўра истеъмол соватчасига киритилган озиқ-овқат, саноат моллари ва камунал хўжалик харажатлар аҳоли жон бишига жорий баҳоларда 90 минг сўмга тўғри келади. Агар пахтачиликда банд ҳар бир доимий ишчи камида бир жон бошига заррурлигини ҳисобга олсак, унда ҳар бир пахтакор ишчининг меҳнат ҳақи 120 минг сўмга тенг бўлиши лозим. Бу харажатни 2012 йилдаги ўртача ойлик билан солиштирадиган бўлсак 4-5 марта кўпдир.

Демак, 2012 йилда пахтачиликда банд бўлган доимий ишчининг моддий манфатдорлигини ошириш учун ўртача ойлик реал меҳнат ҳақини камида 4-5 марта ошириш лозим. Бу вазифани амалга ошириш ўта мураккаб масала. Чунки, бунинг учун пахтачиликда меҳнат унумдорлигини 10-12 марта ошириш керак бўлади, технологик жараёнларни комплекс механизация этиш зарурияти келиб чиқади. Ундан ташқари давлат томонидан пахта экин майдони ҳисобига сарфланган ресурс харажатлар ёки моддий ресурслар баҳосидан келиб чиққан ҳолда пахта хом ашёсининг навлар буйича сотиб олишни тўғри ташкил қилиниши муҳим аҳамиятга эгадир.

Ҳозирга кўнда фермер хўжаликлари билан давлат эҳтиёжи учун сотиб олинadиган асосан пахта ва ғалла маҳсулотларини етиштириш билан боғлиқ контрактция шартномаларнинг бажарилмаслиги бу маҳсулотларни етиштириш жараёнида моддий манфатдорликнинг паслигидадир.

Пахтачиликда моддий манфатларни оширишнинг асосий имкониятларидан бири бу пахтачиликда меҳнатга ҳақ тўлашни тўғри ташкил қилиш лозимлиги, яъни “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонуннинг 24-

моддасида фермер хўжалигида меҳнат шартномаси асосида ишлаётган шахсларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш қонун хўжжатларида белгиланган энг кам иш ҳақидан оз бўлмаган миқдорда, тарафларнинг келишувига биноан пул таризида ҳам, натура тариқасида ҳам амалга оширилиши кўрсатиб ўтилган. Лекин, хўжаликларда меҳнатга ҳақ тулашнинг натура ва қиймат кўриниши тўлиғича хўжатда акс этмаган.

Истиқболда пахтачилик ва бошқа тармоқларида ишчиларнинг меҳнат ҳақи товар маҳсулотларини сотиш баҳоларини кўтариш имкониятларидан оқилона фойдаланиш ҳисобига ҳам эришилади.

Нафақат номинал меҳнат ҳақи, реал меҳнат ҳақини ошириш пахтачиликда долзарб муаммо ҳисобланади. Уни барқарор иложи борица, тез муддатларда эришиш мақсадга мувофиқдир. Бу вазифани бажариш пахтачиликнинг ҳалқ хўжалик аҳамиятига мос келади. 1 ц пахта хом ашёсини қайта ишлашдан олинган газлама, ёғ, кунжара ва шелуха сотишдан 400 минг сўмдан кўпроқ пул тушум олинади

Бозор шароитида баҳо алоҳида аҳамият касб этади. Чунки баҳо орқали товар, ишлаб чиқарувчидан истеъмолчига утади. Шунингдек хўжалик ишлаб чиқариш ҳаражатларининг қопланиши ва фойда олиш баҳо орқали амалга ошади. Баҳо – товар қийматининг пулдаги ифодаси бўлиб, унинг динамикаси, нисбати ва ўзгаришлари асосида қиймат қонуни ётади. Қиймат қонуни баҳонинг товар қиймати атрофидаги ҳаракати қонуниятини аниқлайди. Рақобат шароитида, талаб ва таклиф асосида баҳо ва қиймат ўзгариб туради. Гоҳо баҳо қийматдан юқори бўлади ва аксинча. Икковининг тенг келиши эса мувозанат баҳосини юзага келтиради. Маҳсулотга қўйилган паст баҳо, одатда уни ишлаб чиқариш ҳаражатларининг пастлигидан келиб чиқади.

Эркин рақобат шароитида баҳо меъёрий ҳаражатларга тенг бўлади. Классик иқтисодчиларнинг таъкидлашича, баҳо ўртача ишлаб чиқариш ҳаражатлари билан аниқланади. Бундай таърифда баҳо маҳсулотга бўлган талабдан анча узоқлашади ва ўртадаги боғлиқлик йўқолади. Ҳақиқатда эса

махсулотга бўлган талабнинг ортиши ёки пасайиши мос равишда баҳони оширади ёки пасайтиради. Демак, баҳо ва талаб ўртасида тўғри пропорционал боғланиш мавжуд.

Бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалигида баҳо қуйидаги муҳим вазифаларни бажаради:

- Баҳонинг ҳисоблаш ёки ўлчаш вазифаси. Иқтисодиётда баҳонинг турли тизимлари ёрдамида ялпи ва товар маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган моддий-пул харажатлари, соф даромад, фойда каби барча қиймат кўрсаткичлари режалаштирилади ва ҳисобга олинади;

- Баҳонинг рағбатлантириш вазифаси. Ҳар бир хўжаликнинг маҳсулот сотишдан оладиган даромади, энг аввало, товарнинг ишлаб чиқариш харажатларига ва баҳосига боғлиқ бўлади. Табиийки, маҳсулот баҳосининг кўтарилиши шу маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришга ундайди;

- Баҳонинг тақсимот вазифаси. Товарлар баҳосининг ўзгариши моддий товарларни қайта тақсимлаш имконини беради. Бундан ташқари баҳо ёрдамида қўшилган қийматни, соф даромадни ва ҳ.к.ларни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш амалга оширилади, шунингдек кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш сферасини молиялаштириш амалга оширилади;

- Баҳонинг тартибга солиш (бошқариш) вазифаси. Баҳо орқали ишлаб чиқариш ва истеъмол, талаб ва таклифлар ўртасида алоқа ўрнатилади. Меҳнат ва ишлаб чиқариш воситаларининг тармоқлар ўртасида тақсимланиши ҳам баҳо орқали амалга ошади.

Давлатнинг агросаноат комплексини ривожлантиришга қаратилган баҳо ва молия-кредит сиёсати энг аввало қуйидаги муҳим масалаларни ҳал қилишга қаратилган бўлиши керак:

- Мамлакат озиқ-овқат маҳсулотлари билан ўз-ўзини таъминлашни рағбатлантириш ва озиқ-овқат хавфсизлигига эришиш;

- Саноат ва қишлоқ хўжалиги ўртасида эквивалент муносабатларга эришиш;
- Қишлоқ хўжалигига агосаноат комплекси бирлиги ва унинг сфералари монополиясининг салбий таъсирини пасайтириш;
- Қишлоқ товар ишлаб чиқарувчиларини кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни таъминлайдиган даражада даромадга эга бўлишини қўллаб қувватлаш;
- Ишлаб чиқариш самарадорлигини ўстиришда, меҳнат унумдорлигини оширишда, фан-техника тараққиёти ютуқларидан фойдаланишга кўмаклашиш;
- Мамлакат ичида ягона иқтисодий маконни вужудга келтириш, яқин ва узоқ хориж бозорларига чиқиш.

Баҳо ва молия-кредит механизмлари ўртасида мустаҳкам алоқадорлик зарур бўлиб, уларнинг қўшилиб кетиши қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларини меъёрдаги жорий фаолият ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш учун зарур даромадлар билан таъминлаши мумкин.

Маълумки, ҳозирги вақтда пахтачилик хўжаликлари пахта етиштириш ва уни сотишдан етарлича фойда олмаяптилар, бу эса уларнинг хом-ашё ишлаб чиқаришдаги ҳақиқий ҳиссасини акс эттирмайди. Бунинг натижасида, тўланадиган меҳнат ҳақи ва фойда жуда паст бўлиб, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни таъминлай олмайди. Бундан ташқари, кейинги йилларда, собий иттифоқдош республикаларнинг алоҳида ажралиб, мустақил бўлиб кетиш, улар ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг бозор муносабатлари асосида ривожланмаганлиги техника ва бошқа турли саноат маҳсулотларининг қийматининг кескин ошиб кетишига ва пировард натижасида пахта хом-ашёси таннархининг ошиб кетишига олиб келди. Бу ҳолат эса ўз навбатида баҳоларни такомиллаштириш имкониятларидан оқилона фойдаланишни тақозо қилади. Бундан ташқари қишлоқ хўжалиги ва халқ хўжалигини бошқа тармоқлари ўртасида фойдани тақсимлаш ва қайта тақсимлашни такомиллаштиришни назарий услубиётини талаб этади.

Пахтачилик мажмуидаги бир хил маҳсулотлар баҳоларнинг кўплиги ва улар ўртасидаги фарқларнинг мавжудлиги, сотиладиган маҳсулотга пул воситаларининг турли каналлар орқали келиб тушиши пахта хом-ашёсини саноатда қайта ишлаб, бевосита маҳсулот қилиб, сотадиган агросаноат бирлашмаси барпо қилишга жиддий тўсиқ яратади.

Ҳозирги ҳаракатдаги баҳолар тизими, пахтачилик хўжаликлари томонидан ҳам, пахта тозалаш заводлари, пахтачиликнинг пировард маҳсулоти сифати учун жавобгарликка ва моддий рағбатлантиришга шароит яратмайди. Пахта толасининг истемолчиси ишлаб чиқарилаётган тола сифатига таъсир кўрсата олмайди, чунки маҳсулот учун ҳисоб-китобни, маҳсулотни етказиб бериш ва тўлашнинг тўғрилиги учун жавоб берувчи звеногина амалга оширади. Шу жиҳатдан олиб қараганда, бозор муносабатларини такомиллаштириш учун энг аввало, пахтачилик мажмуи корхоналари ўртасидаги тармоқлараро муносабатларни такомиллаштириш ва уларнинг ягона ишлаб чиқариш натижалари учун манфаатдорлигини оширишга эришиш лозим.

5. Қишлоқ хўжалик корхоналарида пахта ишлаб чиқаришда меҳнат фаолияти хавфсизлиги

Қишлоқ хўжалиида меҳнат муҳофазасининг асосий вазифаларидан бири ишловчиларнинг меҳнат хавфсизлигини таъминлашдир. Замонавий агросаноат ишлаб чиқариши мунтазам янги техникалар, микробиологик ва кимёвий моддалар етказиб беришни, чорва молларини катта комплексларга ва майда фермерлик хўжаликларига бирлаштиришни, иш жараёнларининг йириклашувини, деҳқончиликдаги ишларни бажаришни, айрим меҳнат турларини ҳамда востияларини ўзгартириб боришни ўз ичига олади.

Меҳнат хавфсизлиги – меҳнат шароитининг шундай ҳолатики, унда ишловчиларга хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омилларининг таъсири истисно қилинган. Ишлаб чиқариш шароитида инсонга жароҳат етказилиши бу физикавий ва кимёвий хавфли ишлаб чиқариш омиллари борлигини билдиради.

Физикавий хавфли ишлаб чиқариш омиллари – бу ҳаракатдаги машиналар, ускуналарнинг ҳаракатдаги элементларининг тўсилмаганлиги, кўзгалувчи буюм, материаллар, ускуна ва материаллари устки қисмининг қисмининг юқори ёки паст ҳароратда бўлиши, электр тармоқларининг хавфли кучланиши. юқори босимдаги ҳаво ва газнинг портлагандаги энергияси ва бошқалар.

Кимёвий хавфли ишлаб чиқариш омиллари—одам организмига ўювчи, захарли ва қичитадиган моддаларнинг таъсир қилиши билан ифодаланади. Муайян хавфли ишлаб чиқариш омилларнинг келиб чиқиши технологик жараён, ускуна конструкцияси ва ишни ташкил қилинганлик даражасига боғлиқ бўлади.

Хавфли ишлаб чиқариш омилларининг келиб чиқиш хусусиятига қараб, кўриниб турган ва кўринмайдиганларга бўлиш мумкин. Кўриниб турган, хавфли, ташқи белгилари билан яққол ифодаланади: масалан, машинанинг ҳаракатланувчи қисмлари, аланга, кўтарилиб ва осилиб турган юк. Кўринмайдиган хавфли машиналар, механизмлар, мосламалар ва

асбобларда яширин нуқсонларнинг борлигига боғлиқдир. Яширин хавфни, шунингдек иш доирасининг тикиштирилганлиги ва ивирсиганлиги, асбоб, мосламаларни ўз мақсадида фойдаланмаганлиги, узилган электр симлари, ходимларнинг нотўғри ва хато ҳаракатлари ва бошқалар туғдириши мумкин.

Ишлаб чиқариш жароҳатларининг олдини олиш - жуда мураккаб комплекс бўлиб, аввало, муҳандис, техник мутахассислардан, шунингдек тиббий ва бошқа соҳадаги мутахассислардан алоҳида еътибор қаратишни талаб етадиган муаммодир.

Машина ва механизмларнинг хавфли доиралари. Агар ишловчилар жароҳатлантиришга сабабчи бўлган хавфни келтириб чиқарувчи машиналар билан маълум масофада ишламасалар кўнгилсиз ҳодиса юз бериши мумкин.

Инсоннинг ҳаёти ва саломатлигига таъсир етадиган хавфли майдони хавфли доира деб аталади.

Хавфли доира машинанинг ҳаракатланувчи, айланувчи қисмларида, юк яқинида, кўтариб-туширадиган транспорт воситаларида қўзғатиладиган юк атрофида пайдо бўлиши мумкин. Ишловчиларнинг кийим ва сочларини ускуналарнинг ҳаракатдаги қисмларини тортиб кетиш имкониятига ега хавфли доира ҳавф-хатар туғдиради. Жуда кўп жароҳатлар ишчилардаги осилиб ётган кийимларни қишлоқ хўжалиги машиналарининг тўсилмаган карданли узатмалари ўраб кетиши туфайли содир бўлади.

Стрелали кранларнинг ҳавфли доира ўлчамлари унинг стрела узунлигига боғлиқдир.

Ишчиларни хавфли ва зарарли таъсир кўрсатиши мумкин бўлган дастлабки материаллар, ярим маҳсулотлар ва чиқинди ишлаб чиқарилиши билан бевосита алоқасини йўқотиш, хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омиллари мавжуд жойларни комплекс автоматлаштириш ҳамда механизациялаш, технологик жараёнларда назорат ва бошқариш тизимини ўрнатиш даркор. Бу ишловчиларнинг ҳимоясини ва ишлаб чиқариш жараёнларининг авария ҳолатда ўчирилишини таъминлайди.

Ишлаб чиқариш чиқиндиларини ўз вақтида зарарсизлантириш ва чиқариб ташлаш, улар хавфли ва зарарли ишлаб чиқаришнинг олдини олишга ёрдам беради.

Технологик жараёнларга қўйиладиган хавфсизлик талаблари технологик ҳужжатларда кўрсатилган бўлиши шарт. Иш жойидан ташқарида бажараётганда хоналарни ва майдонларни танлашга катта еътибор қаратмоқ керак. Шунингдек, узлуксиз ишлаб чиқариш жараёнларининг хавфсизлигини, ускуналарни тўғри жойлаштириш ва иш жойларини оқилона ташкил қилиш билангина таъминлаш мумкин. Материалларни, тайёр маҳсулотни ва ишлаб чиқариш чиқиндиларини сақлаганда, хавфли ишлаб чиқариш омилларининг содир бўлишидан ҳимояланиш керак.

Ишлаб чиқаришда ишлашга рухсат етилган шахсларнинг физик имкониятларини ва меҳнат хусусиятларини ҳисобга олиш шарт. Хизмат қилувчи ходимлар бажараётган ишларига мувофиқ меҳнат хавфсизлиги бўйича касбий тайёргарликдан ўтган бўлиши лозим.

Барча машина ва механизмларга хавфсизлик техникаси ва ишлаб чиқариш санитарияси бўйича ягона талаблар қўйилади. Ана шу талабларга мувофиқ машина ва механизмларни бошқаришнинг асосий ричаглари ўнг қўл остига жойлашган бўлиши, ҳар қайси машинада товуш сигнали, орқани кўриш ойнаси, бурилиш ва тўхташ сигналлари бўлиши керак.

Иш жараёнида машина ва механизмлардаги маҳкамланган жойлар бўшашади, зазор (тирқиш) лар катталашади, мой, сув ёки ёнилғи сиза бошлайди ва ҳоказо. Шу боисдан пала-партиш кўрсатилган техник хизмат авария ва бахсиз ҳодисаларга сабаб бўлиши мумкин. Масалан, трактор юриш қисмининг маҳкамланган жойларини ўз вақтида текшириб ва таранглаб турилмаса, у ағдалириб кетиши мумкин. Агар машина ишлаётган вақтда инсон ҳаёти ёки саломатлигига хавф соладиган нуқсон пайқалса, ишни дарҳол тўхтатиш керак. Ҳар бир тракторчи, комбайнчи, ҳайдовчи машинани ишлатишдан олдин унинг техник ҳолатини текшириб кўриши керак.

Машинадаги ҳар бир ҳаракатланувчи детал хавфлидир. айланаётган вал, юлдузча, тишли ғилдирак қўлни, турмакланмаган сочни ёки кийимни ичкарига олиб кетиши мумкин. Шу боисдан машина ва механизмларнинг ҳаракатланувчи қисмлари қалпоқ, ғилоф, кожух, тўсиклар билан беркитилади. Аммо ҳаракатдаги барча қисмларни ҳам ҳимоя қирилмалари билан беркитиб бўлмайди. Шу сабабдан хавфли зонада ҳам ишлашга тўғри келади. Хавфли доира ҳамма машина ва механизмларда бор. Улар машиналарнинг ташқи қисмида (комбайннинг парраги, қирқувчи аппарат ива ҳ.к.) ва ички қисмида (янчиш барабани, тозалаш вентилятори, конвеерлар) бўлиши мумкин. Ҳаракатга келтирувчи двигателнинг айланаётган маховиги атрофидаги доира хавфли ҳисобланади. Шу сабабдан агар двигателни юргизиб юборишнинг иложи бўлса, маховикни қўл билан айлантириш ман етиради. Юриб кетаётган машинанинг ўзи ҳам хавфли доира ҳисобланади. Шунинг учун двигател ишлаётганида ёки машина юриб кетаётганида уни мойлаш, ростлаш ва нуқсонларини бартараф қилиш ман етиради. Механизациялаштирилган агрегатларга хизмат кўрсатаётганлар иш вақтида хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилиши: ишлаб турган машина яқинида ечиниш-кийинмаслиги, ўзига мос бўлмаган жомакорда ишламаслиги, кийимининг етаклари (барлари) шалвираб осилиб турмаслиги керак.

Трактор, комбайн ва автомобилда ҳайдовчи асбобларининг тўла жамланмаси, биринчи ёрдам кўрсатиш учун аптечка, ичимлик сув солинган идиш, завод томонидан бериладиган қўлланма бўлиши шарт.

Меҳнат хавфсизлигини таъминлашнинг техник воситалари. Ҳар қандай хўжаликка, корхоналарга етказиб бериладиган ҳар қандай қишлоқ хўжалиги машинаси, агрегати, механизм ива ускуналари бахсиз ҳодисаларнинг олдини оладиган замонавий ҳимоя воситалари билан жиҳозланади. Меҳнат хавфсизлиги тўсик, тормоз, блокировка, сақлаш қирилмалари, сигнализация, шахсий ҳимояланиш воситаларини ишлатиш, шунингдек уларнинг яхши ишлашини назорат қилиш билан таъминланади.

Тўсиқ қурилмалар. Хавфли зоналарни ҳимоялаш учун оддий, ишончли ва арзон тўсиқ қурилмалар кенг кўламда ишлатилмоқда. Тўсиқ қурилмалар инсонни хавфдан ҳимоялаш учун хизмат қилади. Улар қандай мақсадга мўлжалланганига қараб ҳар хил тузилмали бўлади. Шунга кўра тўсиқлар доимий ёки вақтинчалик бўлиши мумкин. Масалан, трактор орқа кўпригининг, тасмали узатмалар қутисининг корпуслари доимий тўсувчи қурилмалардир. Доимий тўсиқларнинг афзаллиги шундаки, агрегат ишлаётганда ишчи хавфли зонага кира олмайди. Доимий тўсиқлар силжувчан ва кўзгалмас бўлади. Силжувчан тўсиқларни тўсиқларнинг олиб қўйиш ёки чеккага суриб қўйиш мумкин. Вақтинчалик тўсиқлар корхона, сех, участка территориясидаги ишларни бажариш вақтида ишлатилади. Уларга мисол сифатида муҳофаза экранлари, металл шчитлар, парда ва бошқаларни келтириш мумкин. Сехда пайвандлаш ишларини бажаришда атрофдагиларни электр ёйнинг равшан шуъласи таъсиридан муҳофаза қилишда, қурилиш майдончалари, траншеяларни тўсишда, бошқа ер ишларини бажаришда вақтинчалик тўсиқлар ишлатилади.

Ҳимоя тўсиқлари панжара, тўрлардан иборат. Агар механизм ишини кўз билан кузатиб туриш зарур бўлса, бундай ҳолларда тўсиқ шаффоф материал (органик шиша, целлулоид ва бошқ.)дан тайёрланади.

Ҳимоя қурилмалари. Машина ва ускуналарга қўйиладиган мавжуд талабларга мувофиқ ҳар бир машина, трактор ёки агрегатда авария ҳолатидаги иш режимида мўлжалланган ҳимоя қурилмалари бўлмаса, бундай машина ишга яроқли емас деб ҳисобланади. Ҳимоя қурилмаларининг ишлашини назорат қилиш параметри (зўриқиш, босим, ҳарорат ва ҳ.к.) рухсат етиладиган чегарадан чиққанида автоматик тўхтайди.

Тормозлаш қурилмалари. Машина ва ускуналарнинг ҳаракатланаётган (айланаётган) элементларини тез ва аста-секин тўхтатиш учун тормозлаш қурилмалари ишлатилади. Бундан ташқари, улар машиналарни қияликларда тутиб туриш, кўтаришган юкнинг ўз-ўзидан пастга тушиб кетишидан сақлаш мақсадларида ҳам ишлатилади. Масалан, ғилдиракли тракторларнинг

тормозлаш қурилмалари тракторнинг оғирлиги 4 тоннагача бўлганида 20 км бошланғич тезликда тормоз берилганда куруқ бетон йўлда тракторни тўхтатиб қўйиш керак – тормоз йўли 6 м дан кўп бўлмаслиги лозим. Тўхтатиб қўйиш тормозининг самарадорлиги машиналарни 36 % га (200) кўтарилиш ёки тушишда ишончли тутиб туришига қараб аниқланади.

Блокировка қурилмалари. Блокировка – бу механизмларни ёки уларнинг қисмларини муайян ҳолатда ишончли маҳкамлашни таъминлайдиган воситалардир. Машина, механизмда блокировка қурилмаларининг ва бошқа сақлагич воситаларнинг бўлиши ишловчининг хавфсизлигини таъминлай олмайдиган ҳолларда қўлланилади. Масалан, агрегатда тўсиқ бўлиши ишчи шикастланмайди, деган гап емас, чунки баъзи ҳолларда механизм ёки машина тўсиқларсиз ҳам ишлаши мумкин. Лекин ажралиш текислигига тўсиқ олинганда электр занжирни узадиган контактлар ўрнатилса, бунда тўсиқ бўлмаганда ускуна ишга тушмайди. Ускуна тўсиқ ўрнатилгандан ва контакт улангандан кейингина ишга тушади. Бундай конструкциядаги блокировка қурилмалари металлга ишлов берадиган станокларнинг барча турларида ўрнатилади.

Замонавий қишлоқ хўжалиги техникасида содир бўлган ёки содир бўлиши мумкин бўлган хавфсизликлардан химоялаш учун сигнализасиядан кенг фойдаланилади. Вазифасига қараб сигнализасиялар огоҳлантирувчи (меҳнат хавфсизлигига риоя қилиш тўғрисида огоҳлантиради, транспорт воситаларининг ҳаракатини бошқариш), авария ҳақида (хавфли иш тартиби содир бўлганлиги тўғрисида хабар) назоратловчи (ишлаб чиқариш жараёнидаги ҳарорат, босим, суюқлик миқдори ва бошқаларни назорат етиш) ва гаплашишга оид (бир механизм ёки агрегатга хизмат кўрсатувчи, бир гуруҳ одамлар билан оператив, овозли ва кўриш сигналларини шартли боғланишларидир).

Ҳаракати бўйича қуйдаги турдаги сигнализасиялардан фойдаланилади: ёруғлик, овозли, рангли, ва белги ўрнатиш. Ёруғлик сигнализасиялари транспорт воситаларида хавфсизлик воситаси сифатида

кенг фойдаланилади. Улар олдиндан ва орқадан келаётган транспортдан огоҳлантиради. Шу мақсадда транспортвоситалари ҳар хил сигнализасия ёритиш асбоблари: фаралар, ўлчамларини, бурилишни кўрсатувчи чироқлар, стоп-сигналлар билан жиҳозланади.

Хулоса ва таклифлар

Пахтачилик мамлакатимиз агросаноат тармоғининг етакчи соҳаларидан бири ҳисобланади. Пахта хом ашёсидан қариб 1200 дан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилади. Аммо, ҳозирги кунда молиявий-иқтисодий инқироз шароитида пахтачиликда меҳнат унумдорлигини, фойда миқторини ошириб, маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфланадиган харажатлардан самарали фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини яхшилаш энг муҳим вазифадир. Шу жараёнда пахта етиштирган фермер хўжаликларида пахта ишлаб чиқариш самарадорлигини қандай оширишга эришаётганлигини аниқлаш мақсадида битирув малакавий ишни кўриб чиқдик ва қуйидаги хулосаларга келдик.

1. Туманда қишлоқ хўжалик экин майдонлари 2012 йилда 2010 йилга нисбатан 2224,3 гектарга ёки 10,6 фоизга ошан. 2010 йилда ғалла ишлаб чиқариш учун ажратилган ер майдони 9010 гектарни ташкил этган бўлиб 2012 йилда бу кўрсаткич 10225 гектарни ташкил этгани ҳолда 2012 йилда 2010 йилга нисбатан 1215 гектарга ёки 13,5 фоизга ошган. Пахта ишлаб чиқариш учун ажратилган ер майдони 2010 йилда 8760 гектарни ташкил этган бўлиб 2012 йилда бу кўрсаткич 9150 гектарни ташкил этгани ҳолда 2012 йилда 2010 йилга нисбатан 390 гектарга ёки 4,5 фоизга ошган. Сабзавот ишлаб чиқариш учун ажратилган ер майдони 2010 йилда 1573 гектарни ташкил этган бўлиб 2012 йилда бу кўрсаткич 2125 гектарни ташкил этгани ҳолда 2012 йилда 2010 йилга нисбатан 552 гектарга ёки 13,5 фоизга ошган. Полиз маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун ажратилган ер майдони 2010 йилда 12 гектарни ташкил этган бўлиб 2012 йилда бу кўрсаткич 10 гектарни ташкил этгани ҳолда 2012 йилда 2010 йилга нисбатан 2 гектарга ёки 16,7 фоизга камайган. ишлаб чиқариш учун ажратилган ер майдони 9010 гектарни ташкил этган бўлиб 2012 йилда бу кўрсаткич 10225 гектарни ташкил этгани ҳолда 2012 йилда 2010 йилга нисбатан 1215 гектарга ёки 13,5 фоизга ошган. Мева ва узумчиликда экин майдонлари таҳлил қилинаётган йилларда ўзгаришсиз қолган.

2. Хўжалик ҳудудида яшовчи мавжуд аҳоли сони 2012 йил 2010 йилга нисбатан 10881 кишига ёки 9,0 фоизга ошган, шу жумладан хотин кизлар 5435 кишига ёки 9,0 фоизга ошган. Меҳнат ресурслари миқдори 2010 йилда 82120 кишини ташкил этган бўлиб 2012 йилда бу кўрсаткич 83030 кишини ташкил этгани ҳолда 2012 йилда 2010 йилга нисбатан 1,1 фоизга ошган. Хўжаликда яшаб бошқажойда яшовчи меҳнат ресурслари ижобий ҳолда ўзгариб 2010 йилда 450 кишини ташкил этган бўлиб 2012 йилда 420 кишини ташкил этгани ҳолда 2012 йилда 2010 йилга нисбатан 30 кишига ёки 6,7 фоизга камайган. Бу ҳолат туманда аҳолини ишбилан таъминлаш масаласида кенг кўламли ишлар олиб борилаётганлигидан далолат беради.

3. Тумани фермер хўжаликларида 2010 йилда жами асосий фондлар қиймати 4165, млн.сўмни ташкил қилган бўлса, шундан бинолар 1436,9 млн.сўм ёки 34,5 фоизни, иншоотлар 362,4 млн.сўм ёки 8,7 фоизни, узатиш мосламалари 62,5 млн.сўм ёки 1,5 фоизни, машина ва ускуналар 458,2 млн.сўм ёки 11,0 фоизни, кўп йиллик дарахтлар 1003,8 млн.сўм ёки 24,1 фоизни, компьютер ва ҳисоблаш техникалари 4,2 млн.сўм ёки 0,1 фоизни, транспорт воситалари 702,5 млн. сўм ёки 9,3 фоизни ва бошқа асосий воситалар 133,3 млн.сўм ёки 3,2 фоизни ташкил қилган. 2012 йилда эса жами асосий фондлар қиймати 4501,8 млн.сўмни ташкил қилган бўлса, шундан бинолар 1602,7 млн.сўм ёки 35,6 фоизни, иншоотлар 387,0 млн.сўм ёки 8,6 фоизни, узатиш мосламалари 72,0 млн.сўм ёки 1,6 фоизни, машина ва ускуналар 459,2 млн.сўм ёки 10,2 фоизни, компьютер ва ҳисоблаш техникалари 9,0 млн.сўм ёки 0,2 фоизни, транспорт воситалари 742,8 млн. сўм ёки 16,5 фоизни, куп йиллик усимликлар 1093,9 млн.сўм ёки 24,3 фоизни ва бошқа асосий воситалар 135,1 млн.сўм ёки 3,0 фоизни ташкил қилган.

4. Туман қишлоқ хўжалигида 2010 йилда қилинган харажатлар миқдори 24062,0 млн. сўмни ташкил этган бўлса 2012 йилда бу кўрсаткич 32887,0 млн. сўмни ташкил этгани ҳолда 2012 йилда 2010 йилга нисбатан 36,7 фоизга ошган. Қилинган харажатлар эвазига эришилган фойда миқдори 3453,0 млн. сўмни ташкил этган бўлиб 2012 йилда бу кўрсаткич 9355,0 млн.

сўмни ташкил этгани ҳолда 2012 йилда 2010 йилга нисбатан 27 мартаг ошган. Бундан келиб чиқиб рентабеллик даражаси 2012 йилда 2010 йилга нисбатан 14,1 пунктга ошган.

5. Тумандаги фермер хўжаликлари етиштирган ялпи пахта ҳосили 2012 йил 2010 йилга нисбатан -4,5 фоизга ошган, ҳосилдорлик -1,6 ц ёки 7,1 фоизга ошган, жами ишлаб чиқариш харажатлари 7313,6 млн сўмга ёки 1,7 мартага ошган ва маҳсулотни сотишдан олинган фойда 1353,7 млн. сўмга ёки 61,1 фоизга камайганган. 1 ц пахтанинг таннарни 2012 йил 2010 йилга нисбатан 1,5 мартага ошган, 1 ц. пахтанинг ўртача сотиш баҳоси 31,9 фоизга ошган. Сотилган пахта маҳсулоти рентабеллик даражаси юқоридаги маълумотлар таҳлилидан келиб чиқиб 2012 йилда 2010 йилга нисбатан 16,6 пунктга камайган.

6. 1 центнер пах ишлаб чиқариш учун 2010 йилда меҳнат ҳақи харажати 18270 сўмни ташкил этган бўлиб 2012 йилда бу кўрсаткич 25698 сўмни ташкил этгани ҳолда 2012 йилда 2010 йилга нисбатан 40,7 фоизга ошган. 2010 йилда ёқилғи мойлаш материаллари учун қилинган харажат миқдори 13050 сўмни ташкил этган бўлиб 2012 йилда бу кўрсаткич 19460 сўмни ташкил этгани ҳолда 2012 йилда 2010 йилга нисбатан 49,1 фоизга ошган. Ўсимликларни кимёвий химоялаш учун қилинган харажат миқдори 2010 йилда 6264 сўмни ташкил этган 2012 йилда бу кўрсаткич 9320 сўмни ташкил этгани ҳолда 2012 йилда 2010 йилга нисбатан 48,8 фоизга ошган. 1 центнер пахта учун қилинган жами ишлаб чиқариш харажатлари 2010 йилда 52200 сўмни ташкил этган бўлиб 2012 йилда бу кўрсаткич 79700 сўмни ташкил этгани ҳолда 2012 йилда 2010 йилга нисбатан 27500сўмга ёки 1,5 мартаг ошган.

Пахтачиликда маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлигини таҳлилидан келиб чиққан ҳолда, олинган хулосалар асосида қуйидаги **илмий тақлиф ва амалий тавсиялар** ишлаб чиқдик

1. Пахта етиштиришни самарали йўлга қўйиш учун экин майдонларини ўз вақтида шудгорлаш ва экишга тайёрлашни амалга ошириш лозим. Пахта майдонларини шудгорлашда 35-40 см чуқурликда хайдаш лозимдир чунки об-ҳаво шароити қурғоқчилик келган даврда намликни яхши сақлайди.

2. - пахта хом ашёсини ишлаб чиқаришда унинг сифатини ошириш ва эрта пишар, сувсизлакка чидамли навларини экиш.

3. маҳсулот ишлаб чиқаришда хўжаликда меҳнат унумдорлигини ошириш омилларидан самарали фойдаланиш натижасида маҳсулот таннарини пасайтириш ва иқтисодий самарадорликни ошишига олиб келади;

Етиштирилган пахта ҳосилини йиғиштириб олишни ўз вақтида амалга ошириш лозим

4. Далада пахта йиғиштириб олиш транспорт билан ташиш сақлаш ва қайта ишлаш жараёнларида нобудгарчиликка йўл қўймаслик

5. Пахта қайта ишловчи корхоналарни модернизация қилиш ва уларни моддий техника таъминоти билан ва шунингдек пахта қабул қилиш пунктларини янги ускуналар билан таъминлаш

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (Асосий қонун). - Т.: Ўзбекистон, 2008.- 40 б.

2. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. –Тошкент.

21.12.1995.

3. Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Қонуни. –Т. 26.10.2006.

4. Ўзбекистон Республикаси «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуни (янги таҳрири). –Т. 1998.

5. Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонуни.Ўзбекистон Республикасининг Қонун ҳужжатлари тўплами. –Т. 2004.

6. Ўзбекистон Республикасининг «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги Қонуни. –Т., 1998.

7. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги Қонуни. –Т.: Ўқитувчи, 1992.

8. Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси». –Т.: Ўқитувчи, 1998.

9. Ўзбекистон Республикасининг «Ижара тўғрисида»ги Қонуни. //Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қонун ва меъёрий ҳужжатлар тўплами. -Т.: Шарқ. 1998. 1-том.

10. Ўзбекистон Республикасининг «Мулкчилик тўғрисида»ги Қонуни – Т. 1999.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. «Хусусий тадбиркорликни қўллаб қувватлаш ва рағбатлантириш ҳақида»ги Фармони. //Ўзбекистон овози. 8 январ 1995.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. «О программе углубления экономических реформ в сельском хозяйстве на период 1998-2000 годы». № УП-1978 от 18.03.98.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2007 йилда қишлоқ хўжалиги корхоналарини фермер хўжаликларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3932-сонли Фармони. //Халқ сўзи, 26 ноябр 2006.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури тўғрисидаги ПҚ 1046-сонли Қарори.

15. Каримов И.А. Дехқончилик тараққиёти фаровонлик манбаи. –Т.: Ўзбекистон, 1994. –5 б.

16. Каримов И.А. Ўзбекистон миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-том. –Т.: Ўзбекистон, 1996. –364 б.

17. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-том. –Т.: Ўзбекистон, 1996. –380 б.

18. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби. 5-том, -Т.: Ўзбекистон, 1997. –384 б.

19. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-том. -Т.: Ўзбекистон, 2000. –528 б.

20. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулмиз. 9-том. –Т.: Ўзбекистон, 2001. –432 б.

21. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари. -Т.: Ўзбекистон, 2009. – 53 б.

22. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш–устувор мақсадимиздир. –Т.: Ўзбекистон, 2010.

23. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. –Т.: Ўзбекистон, 2010.

24. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. –Т.: Ўзбекистон, 2011.-48 б.

25. Каримов И.А. Бош мақсадимиз-кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъийят билан давом эттириш. –Т.: Ўзбекистон, 2013. – 64 б.

26. Абдуллаев Ё. Бозор иқтисодиёти асослари. –Т.: Мехнат, 1996. –432 б.
27. Абдуллаев А.А., Айбешов Х.А. Фермер хўжалиги иқтисоди. -Т.: Алоқачи, 2008.
28. Абдукаримов Б.А. ва бошқалар Корхоналар иқтисодиёти. -Т.: Фан, 2005.
29. Атабаева Ҳ., Қодирхўжаев О. Ўсимликшунослик. -Т., 2006.
30. Жўраев Ф. Қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш. –Т.: Истиклол, 2004.
31. Исмоилов А., Муртазаев О. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. – Тошкент. Молия, 2005.
32. Муртазаев О. Пахтачилик агросаноат мажмуаси самарадорлигини ошириш муаммолари. Монография. –Т.: ФАН, 2006.
33. О.Муртазаев, И.Ғаниев, Ф.Ахроров, Ш.Ҳасанов, А.О.Муртазаев Пахтачилик мажмуаси тармоқлари ўртасидаги иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш. Монография. -Т.: Наврўз, 2012.
34. Орипов Р.О., Халилов Н.Х. Ўсимликшунослик. Дарслик. – Самарқанд. СамҚХИ, 2006.
35. Савицкая Г.В. Анализ хозяйственной деятельности предприятий АПК. –Минск. Новое знание, 2001.
36. Умирзоқов Ў.П., Ж.Тошбоев А., Тошбоев А.А. Фермер хўжалиги иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. -Т.: Иқтисод-молия, 2008.
37. Цамутали А.С. и др. Проблемы агропромышленной интеграции в хлопководстве. –Т.: Фан, 1982.
38. Цеддиес Ю., Райш Э., Угаров А.А. Экономика сельскохозяйственных предприятий. –М.: Издательство МСХА, 2000.
39. Чориев К.А. Проблемы аграрного ресурсного потенциала в условиях перехода к рынку. –Т.: Фан, 1992.
40. Эргашев Р.Х. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. –Т.: Extremum Press, 2011.

41. Қудратов Т. ва бошқалар Корхоналар фаолиятининг иқтисодий таҳлили. Методик қўлланма. –Самарқанд. СамҚХИ, 2006.

42. Ғаниев И.М. «Пахтачилик мажмуи иқтисодий самарадорлигини ошириш имкониятлари». Автореф. Дис. иқт. фан. номз. –Самарқанд. 2006.

43. Интернет сайтлари:

43.1. www.cottonoutlook.com

43.2. www.samqxi.uz. Самарқанд қишлоқ хўжалик институти портали.

43.3. www.edu.uz, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги портали

43.4. www.usda.gov.Ўзбекистон Республикаси ҳукумати портали.